УзССР Давлат нисбатлари ... ва шаҳарлар ишлари ... УзССР
290994

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ÖZBEKISTAN AVAZI

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 20 сентябрь, сешанба № 144 (21.748). Сотувда эркин нархда

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ



СУРАТДА: Президент Ислом Каримов КХДРнинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Ким Ир Хекни қабул қилган пайт.

Р. ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат.

19 сентябрь куни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Янги Зеландиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Эдвард Ричард Вудзни қабул қилди.

Элчи ишонч ёрлиғини топширар экан, икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш учун бор куч-ғайратини сафарбар этишини маълум қилди.

Ўзбекистон раҳбари элчини ғоят масъулиятли ва шарафли вазифа билан қутлаб, бундан буёнги фаолиятига муваффақият тилади.

* * *

Шу куни Ислом Каримов Корея Халқ Демократик Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Ким Ир Хекдан ҳам ишонч ёрлиғини қабул қилиб олди.

Ким Ир Хек ўз мамлакати билан азалий дўстлик ришталарига эга бўлган Ўзбекистонга элчи этиб тайинланганидан мамнуният изҳор этди.

Ўзбекистон Президенти икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантиришга элчи муносиб ҳисса қўшади деб умид билдирди.

Ишонч ёрлиқларини топшириш маросимларида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

(ЎзА).

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 19 сентябрь куни Туркия Республикаси давлат вазири Нажмиддин Жавҳарийни қабул қилди.

Суҳбатда Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш хусусида фикрлашиб олинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов, Туркиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Эрдўғон Ойтун иштирок этди.

(ЎзА).

СЕССИЯ ОЛДИДАН УЧРАШУВ

Тошкент вилояти ҳокимлигида шу ҳудуддан сайланган Ўзбекистон халқ депутатлари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туманлар ҳокимлари, фаоллар, маъмурий ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишни вилоят ҳокими М. Икромов бошқарди.

Учрашувда республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Ҳалилов XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XVI сессияси кун тартибига киритилган масалалар хусусида маъруза қилди.

(ЎзА).

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ ЎН ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн олтинчи сессияси 1994 йил 22 сентябрда соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари 21 сентябрь куни эрта билан соат 9 дан то кеч 18 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг мажлислар зали фойесида рўйхатга олинади.

ЯНГИ КРЕДИТ ЙЎЛИ ОЧИЛДИ

Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг хабарига қараганда, Брюссель шаҳрида Европа Иттифоқи вице-президенти Х. Кристофер мамлакатимиз Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Миллий банки вакиллари билан 1994—1995 йилларда дори-дармон ва болалар озиқ-овқати сотиб олиш учун Ўзбекистон Республикасига 59 миллион ЭКЮ (72 миллион АҚШ доллари) миқдорида кредит бериш тўғрисидаги битимни имзолаган.

Мазкур битим асосида тузилган шартномаларга биноан шу йилнинг ноябрь-декабрь ойларидаёқ Ўзбекистонга юзлаб хил тақчил дори-дармон, турли-туман тиббий асбоб-ускуна ва жиҳоз ҳамда болалар озиқ-овқати келтирила бошланади.

Мазкур кредит йўлининг очилиши Ўзбекистон аҳолисига тиббий хизматни яхшилаш, чақалоқларни дастлабки пайтданоқ сифатли таом билан таъминлашга хизмат қилади.

(ЎзА).

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА ЙИҒИЛИШИ

Муҳаммад Раҳимхон Феруз таваллудининг 150 йиллигини ўтказувчи вилоят ташкилий қўмитасининг йиғилиши бўлди. Уни вилоят ҳокими Маркс Жуманиёзов олиб борди. Вилоят ҳокими муовини Мадрим Жуманиёзов, Хива туман ҳокими Э. Раҳмонов ва бошқалар юбилейга тайёргарлик ишларининг бориши ҳақида ахборот бердилар. Йиғилишда Феруз юбилейига тайёргарлик юзасидан белгиланган тадбирлар асосан бажарилганлиги таъкидланиб, тантаналарни шу йилнинг 24—25 сентябрь кунлари ўтказиш режалаштирилганлиги айтилди. Вилоятда Феруз ҳаёти ва фаолиятига бағишланган конференция ўтказилади. Оғаҳий номли театрда «Феруз» спектакли намойиш этилади. Юбилей кунлари унинг иштирокчилари ва меҳмонлар Феруз қабрини зиёрат этадилар, музейини томоша қиладилар. Шунингдек, театрлашган томошалар кўрсатилади.

Йиғилишда мутасадди ташкилотларга белгиланган тадбирлар, тайёргарлик ишларини юбилей кунигача ниҳоясига етказиш вазифаси топширилди.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН — ЧАД:

ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР ЎРНАТИЛДИ

16 сентябрь куни Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги элчихонасида Ўзбекистон билан Чад Республикалари ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги ҳужжат имзоланди. Уни Ўзбекистон Республикасининг Россиядаги муваққат ишлар вакили Ш. Шохалилов ва Чад Республикасининг Россиядаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ал-Ҳабо Муҳаммад Солиҳ имзоладилар.

Маросимдан сўнг бўлиб ўтган суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари хусусида фикрлашиб олинди.

Ф. ПАРПИЕВ, (ЎзА).

ЯНГИ МУЗЕЙ

Амударё тумани қипчоқ қасабасида тарих-ўлкашунослик музейи иш бошлади. Кенг ва ёруғ хоналардаги 320 дан зиёд ҳар хил ноёб осори-атиқа ўлканинг тарихи, иқтисодий ва маданий ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади.

Музейни янги экспонатлар билан бойитиш юзасидан изланишлар давом этмоқда.

(ЎзА).

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

• *Ишбилармонлик*

«ОРОЛ» ҲАМИША ГАВЖУМ

● НАВОИЙ (мухбиримиздан). Конимех туманида аҳолини иш билан таъминлашга, айниқса, уйда ўтириб қолган хотин-қизларни касб-ҳунарга йўналтиришга эътибор кучайтирилмоқда.

Туман ҳокимлиги ташаббуси билан бугунги кунда 500 нафардан ортиқ ёш турли ишларга жалб этилган. Хусусан, ҳамкорлик асосида мол айирбошлаш йўли билан қурилаётган кичик ва хусусий корхоналарнинг самараси катта. Жумладан, «Меҳнат» биржаси қошида ташкил топган «Орол» кичик корхонаси ҳамиша гавжум. Асосан мева-сабзавотни қайта ишлайдиган бу корхона ишга туширилгач, 50 нафар киши иш билан таъминланди. Ҳозир асосан помидор қайта ишланиб, томат пастаси ва шарбатлар тайёрланмоқда. Яқин келажакда эса мева шарбатлари ва мурабболар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилади. Корхонанинг «Орол» деб аталишининг ҳам ўзига хос маъноси бор. Боиси, бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар кўпроқ Орол бўйи чўпон-чўлиқлари ва чорвадорларига жўнатиляпти.

Музаффар ШАРОПОВ.

• *Қишлоқ саноати*

ҲАМ ПИШЛОҚ, ҲАМ ШАРОБ

● ҚАШҚАДАРЁ (мухбиримиздан). Чироқчи туманида сутни қайта ишлаш корхонаси фойдаланишга топширилди. Шароб тайёрлаш корхонаси маҳсулот бера бошлади.

Вилоятдаги йирик чорвадор туманда сутни 40-50 километр йўл босиб, четга ташиш зарар келтираётган эди. Шаҳрисабз сут-пишлоқ корхонаси бу муаммони ечишда кўмаклашди. Охунбобоев номли жамоа хўжалигида ишга туширилган кичик корхона кунига 14 тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга. Шароб корхонаси йилига 4 минг тонна узумни қайта ишлаш имкониятига эга. Бу билан маҳсулотларни четга ташишдан халос бўлиш билан бирга олинадиган фойда ҳам туманнинг ўзида қоладиган бўлди.

Юнус УЗОҚОВ.

• *Кичик корхоналар*

«АМУДАРЁ»ДА УН ЗАВОДИ

● БУХОРО (мухбиримиздан). Олот туманида аҳолини иш билан таъминлаш, қишлоқ меҳнаткашлари оғирини енгил қилишга алоҳида эътибор бериляпти.

«Амударё» жамоа хўжалигида ғалла мўл бўлди. Аҳоли томорқасидан олинган дон ҳам кўнгилдагидек. Энди донни унга айлантириш учун туман марказига борилмайдиган бўлди. Сабаби, яқинда хўжаликда бир кечакундузда 20 тонна ун ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган завод фойдаланишга топширилди. Шунингдек, хўжаликнинг шоли оқлаш цехи ҳам меҳнаткашларга асқотяпти.

Даврон БАҲРОНОВ.

• *Хотира*

САМАРҚАНДГА БОРСАМ ҲАР САФАР...

САМАРҚАНД (мухбиримиздан). Қадимий шаҳар аҳли буюк аллома Мирзо Улуғбек хотирасига унинг ўзи барпо этган мадраса саҳнида яна бир бор таъзим бажо келтирди. Бу ерда «Улуғбек юлдузлари» ҳайрия-марафон концерти уюштирилди.

— Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик юбилейи Париж, Истамбул ва бошқа бир қатор йирик шаҳарларда ҳам нишонланади. Шу боис бобоканимизнинг қутлуғ тўйига ўзгача ҳозирлик кўряпмиз,— дейди Самарқанд шаҳар ҳокими Азиз Носиров.

Хайрия концертига Японияда Акиро Сакато бошлиқ халқ дастаси ҳам ташриф буюрди. Айниқса, Эпо, Сусо каби санъаткорларнинг ўзбек тилида қўшиқ айтишлари томошабинларни тўлқинлантириб юборди. Шу куни вилоят давлат хўжаликлараро сув қурилиш трести, ХДП вилоят кенгаши, «Ҳужум» фабрикаси, «Баҳодир» савдо ишлаб чиқариш жамияти катта миқдорда пул ўтказдилар.

Фармон ТОШЕВ.

• *Дон — ризқ-рўзимиз*

ПАХТАЗОРДА... ЭКИШ АВЖИДА

Пахтакорлар орзиқиб кутган оқ мавсум етиб келди. Чаноқлардан тошиб, ҳосилдан зўриққан пайкалларга бирин-кетин терим машиналари кира бошлади. Дўстлик туманидаги Қосим Раҳимов номли хўжаликда эса пахтазорларга «зангори кема»лар билан бир қаторда экиш агрегатлари ҳам олиб чиқилди.

Пахтазорда... экиш агрегати? Бу манзарага ҳали кўпчилик кўниккани йўқ. Лекин уддабурон чўлқуварлар бу борада унча-мунча тажриба тўпладилар. Бултур синов тариқасида кузги дон махсус мослама ёрдамида ғўза қатор ораларига экилди. Пахта ҳосили йиғиб-териб олингунга қадар ғалла майсалари қийғос униб чиқди. Ғўзапоялар ўриб олингач, пахтазорлар ўз-ўзидан ғаллазорга айланиб қолди. Шундан сўнг майсалар минерал ўғитлар билан озиқлантирилди ва суғорилди. Қишгача ғалла майсалари кўзга ташланиб қолди. Бу йил ана шу пайкалларнинг ҳар гектаридан 31 центнердан дон ҳосили кўтарилди.

— Бу усул бизга жуда маъқул келди,— деди хўжалик бош агрономи Абдужаббор Ҳайдаров.— аввало, вақтдан ютамиз — пахта даласининг ҳосилдан бўшашини кутиб ўтирмаймиз. Иккинчидан, ерни ҳайдаш, экиш олдидан тупроққа махсус ишлов бериш жараёнларига ҳожат қолмайди. Ваҳоланки, бу юмушлар жуда кўп меҳнат, техника кучи, ёнилғи-мойлаш материаллари талаб этади. Бу эса маблағ дегани.

Жорий йилда хўжалик деҳқонлари ғалла майдонларини икки баравар кенгайтириб, 1200 гектарга етказишни мўлжаллашяпти. 750 гектар пахтазорга, 400 гектар маккажўхоризорга уруғ қадалади. Бунинг учун техника ва экиш мосламалари шай. Ўзбекистон ғаллачилик илмий-тадқиқот институти ходими, техника фанлари номзоди Баҳром Қоржововнинг ёрдами ва бевосита раҳбарлигида ғўза ораларига ишлов берадиган оддий КРН-4 культиваторларидан бир нечтаси сеялкаларга айлантирилди. Бу мосламаларнинг ҳар бири билан кунига 10 гектаргача пахтазорга кўзги дон уруғи қадаш мумкин.

Хўжаликнинг Норбой Жовбўриев, Ҳамдам Абдураимов бошлиқ ширкатларида ғўза қатор ораларига дон экиш жадал бораяпти.

Норбобо ШАКАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

„ОҚ ОЛТИН" хирмонига

1994 ЙИЛГИ ПАХТА ҲОСИЛИНИ ТАЙЕРЛАШ БЎЙИЧА 19 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Вилоятлар	бир кунда	мавсум бошидан	шу жумладан машинада терилгани	
			бир кунда	мавсум бошидан
Бухоро	3,57	41.90	0,21	0,65
Хоразм	2,45	32,17	0,06	0,09
Навоий	3,13	28,20	0,38	1,81
Сурхондарё	2,45	27,31	1,07	4,52
Самарқанд	2,93	24,55	0,97	4,42
Фарғона	0,51	24,46	0,19	0,67
Андижон	0,54	19,79	0,00	0,07
Қашқадарё	2,30	16,83	0,82	3,67
Наманган	0,41	11,12	0,00	0,37
Қорақалпоғистон Республикаси	1,19	8,75	0,10	0,17
Жиззах	0,51	5,77	0,11	0,50
Тошкент	0,36	4,98	0,00	0,01
Сирдарё	0,21	3,88	0,00	0,00
Ўзбекистон Республикаси бўйича	1,54	19,11	0,31	1,33

ФОЙДАЛИ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Фанлар академияси археология институти билан Германия археология институти ўртасидаги шартномага асосан қадимшунос олимларнинг халқаро гуруҳи кўҳна Жарқўтон шаҳри харобаларида қазилма ишлари олиб бормоқда. Утган йилги самарали тадқиқотлар натижасида бу ердан Кушон империяси даврига оид танга пуллар, турли сопол ҳайкалчалар топилган эди.

Олимлар ҳозирги пайтда Искандар Зулқарнайн ва Кушон империяси давридаги марказий шаҳарлардан бирининг харобалари — Жондавлаттепа ёдгорлигини ўрганмоқдалар. Қадимшунослар гуруҳига германиялик доктор Дитрих Хуфф ҳамда Самарқанд археология институти ходими, тарих фанлари номзоди Шопўлат Шайдуллаев раҳбарлик қилмоқда.

• *Долзарб мавзуда*

САРА УРУҒ ХОСИЯТИ

Келгуси йилнинг ҳосили ва унинг қанчалик сифатли бўлиши сара уруғлик пахтага боғлиқ. Шундай экан, уни териб олиш алоҳида масъулият талаб қилади.

Маълумки, кўсаклар турли муддатларда пишиб етилади. Шу сабабли ҳосилни, айниқса, уруғлик пахтани сифатли териб олишни бирмунча қийинлаштиради.

Одатда уруғлик пахта фақат элита, 1-, 2-, 3-репродукциядаги ғўза пайкалларидан терилади. Зарурият бўлиб қолса, ундан кейинги репродукцияли уруғлик юқори ташкилотлар рухсати билангина териб олинади.

Уруғлик учун терилган пахтанинг сифати, энг аввало очилган кўсаклар ғўза тупининг қайси қисмида жойлашишига, зараркунанда ва касалликлар билан зарарланиш даражасига боғлиқ. Шу боисдан уни фақат апробация назоратидан ўтган далалардагина терилади. Бунда уруғлик учун ажратилган далалар вилт билан зарарланмаган ёки кам зарарланган (15 фоизгача) далалардан терилади. Шунингдек, навнинг биологик тозалиги элита уруғлик далалари учун 100 фоиздан, 1-репродукция далалари учун 99, 2-репродукция далалари учун 98, 3-репродукция далалари учун эса 96 фоиздан кам бўлмаслиги керак.

Вилт ёки бошқа касалликлар билан кучли зарарланган, тозалиги паст бўлган, кам ҳосилли далалардан уруғлик пахтани териш man этилади.

Уруғлик пахтани алоҳида териш қондасига риоя қилиш зарур. Бунда уни териш нормасини маҳсулот учун терилади-ган пахтага нисбатан 20—25 фоиз кам белгилаш сифатли уруғлик пахта тайёрлашнинг асосий омили ҳисобланади.

Пахта бир вақтда пишиб етилмаслигини ҳисобга олиб, ҳосил бир-икки муддатда териб олинади. Биринчи муддат ғўза тупида 3—4 та кўсак очилганда, иккинчи муддат ғўзанинг 7—8-ҳосил шоҳидаги кўсаклар тўла очилганда терилади. Ундан юқориги шохларида ҳосил бўлган чигитлар яхши пишиб етилмаган, кам унувчан, касалликларга тез чалинувчан бўлади. Пастки шохларида ҳосил бўлган чигитлар эса энг қулай шароитда ривожланади. Одатда бундай чигитлар йирик, чигит мағизи тўлиқ, унувчан, турли табиий ва тупроқ иқлим шароитларига мосланувчан бўлади.

Уруғлик пахтани тайёрлов пунктларига топширишдан олдин улар бригадаларда, асфальтланган хирмонларда бир-икки кун қуритилади. Бу усулда қуритиш уруғнинг физиологик пишиб етилишига ижобий таъсир этади. Унинг унувчанлиги ва униш қувватини оширади.

Терим пайтида турли замбуруғли касалликлар билан касалланган пахтани алоҳида териб олиш зарур. Уларни уруғлик пахтага аралаштириш тола ва уруғнинг сифатига салбий таъсир этади.

Қўлда терилган уруғлик пахтанинг намлик миқдори Самарқанд вилояти ва Қорақалпоғистонда 9 фоиздан, машинада терилганда эса 9,5-10,5 фоиздан ошмаслиги мақсадга мувофиқдир.

Уруғлик чигитнинг механик шикастланиш миқдори қўлда терилганда кўпи билан 0,5 фоиз, машинада терилганда эса бир фоиз бўлиши лозим.

Уруғлик пахтани машинада теришдан 10 кун олдин дала бегона ўтдан тозаланади. Пайкалнинг четлари камида 8 метр кенгликда машинанинг қайтиши учун текисланади.

Одатда элита уруғлик пахта қанор қопларга жойланиб, тайёрлов пунктларига топширилади. Улар махсус ажратилган ёпиқ хоналарда сақланади. Бунда ҳар бир қоп устига шу навни кўрсатувчи ёрлиқлар ёпиштирилган бўлиши керак.

1-, 2-, 3-репродукция уруғлик пахта таги 40 сантиметр қилиб ердан кўтарилган бунтларда сақланиши зарур. Бунда бунт тўлгач, дарҳол усти брезент билан ёпилиши керак.

Уруғлик пахта сақланадиган ҳар бир омбор ёки бунт жойлаштирилган майдончада партия номери, ғўзанинг селекция нави, саноат нави, репродукцияси, навлилиги, далалар группаси, омбор ёки бунт номери, миқдори, бутлашнинг бошланиши ва тугалланиши кунлари, қўл ёки машина терими, қайси хўжаликдан терилганлиги, товаршуносинг номи, фамилияси ёзиб қўйилган ёрлиқлар бўлиши шарт.

Уруғлик пахтани сақлаш давомида ҳар 10 кунда бунтнинг ҳарорати текширилади. Агар бунтнинг 3 метр чуқурлигида ҳарорати дастлабки ҳароратдан ошганлиги сезилса, у ҳолда дарҳол шамоллатилади, яъни вентиляторлар ўрнатиб, иссиқ ҳаво тортиб олинади ёки ғарамлар бўйича туннеллар очилади. Агар пахта юқори ҳароратда узоқ вақт қолиб қолса, у янада қизиб, намлик ошади. Уруғлик чигит куяди, турли замбуруғлар ривожланиб, тола сифати бузилади.

Ҳ. РАҲИМОВ, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик вазирлиги ғўза уруғчилиги бошқармаси бошлиғи,

С. РАҲМОНҚУЛОВ, Г. С. Зайцев номидаги ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти директорининг муовини,

Ж. АҲМЕДОВ, У. ҲАЙДАРОВ, лаборатория мудирлари.

ПАРТИЯМИЗ САЛОҲИЯТИГА ИШОНАМИЗ

Дейди Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгашининг биринчи котиби Фармон ОМОНОВ

• Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганлигининг уч йиллигига

Суҳбатдошимиз билан гурунгимизнинг асл моҳияти вилоят партия ҳаётига боғлиқ бўлса-да, яна бир томони шундаки, бу йил Қашқадарё вилояти меҳнаткашлари барча соҳаларда ижобий ютуқларга эришмоқдалар. Зеро, шундай экан, гап воҳанинг танти ва ҳалол деҳқонлари, партия фаоллари ҳамда сергайрат ёшлари хусусида бориши, шубҳасиз.

— Фармон Омонович, маълумки, Қашқадарё вилояти партия кенгаши республикада йирик партия ташкилотларидан бири ҳисобланади. Ташкилотнинг ютуқ ва муаммолари, иш тажрибаси ҳақида гапириб берсангиз?

— Ташкилотимиз бугунга келиб 33 минг 300 нафарга яқин Ўзбекистон ХДП аъзосини бирлаштирган. Вилоятдаги 15 та шаҳар ва туманда 1047 та бошланғич партия ташкилоти бор. Ўтган қисқа вақт ичида вилоятимизда ўн уч мингдан ортиқ киши партияга аъзо бўлди.

Қувонарлиси шундаки, барча партия аъзоларининг 70 фоизга яқини олий, ўрта махсус маълумотга эга. Улар орасида ёшлар ҳам, катта ҳаёт мактабини ўтаган кишилар ҳам, хотин-қизлар ҳам бор. Шунингдек, партия аъзолари чинакам байналмилал — ўттиздан ортиқ миллат вакилларидан иборат. Бу вилоят партия ташкилотининг салоҳиятини кўрсатувчи омиллардан бири, деб ўйлайман. Кейинги пайтда ишбилармонлар, тадбиркорлар орасида ҳам аъзоларимиз сони кўпайиб бораётир. Бу борада Қамаши, Ғузор туманлари партия ташкилотлари ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Муаммоларга келсак, барча туманларда ҳам партиявий ишлар силлиқкина кечяпти, бирдай савияда олиб бориляпти, деб бўлмайди. Партия кенгашимиз юртимиздаги ҳар бир фуқаронинг ишончини қозониш учун ҳали кўп ишларни амалга ошириши лозим.

— Албатта, шундай. Лекин бу катта масъулиятни ва ҳамжиҳатликда иш юритишни талаб этади.

— Партия ташкилотларимиз маҳаллий ҳокимият идоралари, жамоат ташкилотлари билан биргаликда катта мақсад йўлида бирлашиб ҳаракат қилмоқда. Вилоят, туман ҳокимликлари ва партия кенгашлари фаоллари жойларда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда мунтазам равишда жамоалар, турар-жойларда бўлиб, қонунлар, Президентимиз Фармонлари ва ҳукумат ҳужжатларини тарғиб этиш билан машғул.

Ҳар ойнинг биринчи жума куни вилоятда иқтисодий ислоҳот куни ҳисобланади. Раҳбарлар, мутахассислар, олимлар жойларда долзарб мавзуларда суҳбатлар, маърузалар уюштирадилар.

Маълумки, биз ҳуқуқий онгни ўстирмай туриб, олға силжишимиз мушкул. Зеро, юртбошимиз бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтишнинг асосий тамойиллари сифатида қонунчилик устиворлигини, қонун олдида ҳамма баробар эканлигини бежиз қайта-қайта таъкидламяпти. Вилоят партия кенгашида халқ таълими, тиббиёт муассасалари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, партия аъзолари иштирокида ҳуқуқий тарғибот, аҳолининг ҳуқуқий онгини шакллантиришга бағишланган мунозара, мулоҳазага бой гурунглар ўтказилмоқда.

Айниқса, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг демократик хусусиятлари баҳс-мунозара йўли билан ушбу йиғин иштирокчиларига атрофлича тушунтирилмоқда. Президентимизнинг шу йил вилоят фаоллари билан бўлган учрашувидаги нутқидан келиб чиқиб аниқ режалар ишлаб чиққанмиз.

— Бошланғич ва ҳудудий партия ташкилотлари фаолиятини янада яхшилаш юзасидан қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Биз партия ташкилоти ишини янада жонлантиришга кўпроқ аҳамият беряпмиз. Бошланғич партия ташкилотининг 882 таси ишлаб чиқариш, 160 таси ҳудудий асосда тузилган. Маҳаллаларда ва қишлоқларда бошланғич партия ташкилотлари тузилганлиги ҳам жойларда вазиятни чуқурроқ ўрганишга катта имкон бермоқда. Бу борада Усмон Юсупов тумани ва Қарши шаҳрида муайян тажриба тўпланган. Бир сўз билан айтганда, партиямиз салоҳиятига ва ғайратига ишонамиз.

— Вилоятдаги фаол партия аъзолари, уларнинг фаолияти, ЎзХДП Миллий истиқлол мафкурасини ҳаётга тадбиқ қилиш ҳақида сўзлаб берсангиз?

— Усмон Юсупов туманининг Оқжангал қишлоғи бошланғич партия ташкилоти котиби, туман бош меъмори О. Эгамбердиев, Қарши шаҳар Рогузор, Қарлиқ-Боғот маҳаллалари бошланғич партия ташкилотлари (котиблари Мўмин ота Бозоров, Маннон ота Раҳматуллаев) турли маросимлар ва тадбирлар ўтказишда бош-қош бўлмоқдалар.

Шу ўринда Мўмин ва Маннон оталарнинг Қарши шаҳар партия кенгашида ўтказилган бошланғич партия ташкилотлари котиблари синов суҳбатида Ўзбекистон ХДП Миллий истиқлол мафкураси ва Президентимиз рисолаларида баён этилган асосий қоидаларни эгаллаб олганлари билан барчани мамнун этдилар.

Ҳар бир ташаббус, ғоя янгиланиб, мазмунан бойиб борсагина жамиятга баракали хизмат қилади. Шаҳрисабз тумани партия кенгаши пилларчиликни, Қамаши тумани партия кенгаши фаоллари эса ғаллачиликни ўз оталиқларига олиб, мазкур тармоқларни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Миллий истиқлол мафкураси, жумладан, маънавият масаласи партия ташкилотларининг диққат-марказидадир. Қаерда бўлмасин — илм даргоҳидами, меҳнат жамоасидами, биз аввало кишиларда ватанпарварлик, мустақил Ўзбекистон фуқароси эканлигидан ғурурланиш туйғусини уйғотишимиз керак.

— Яқинда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси партиямиз ташкил топганлигининг уч йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан тегишли қарор қабул қилди. Бу борадаги вилоят партия кенгашининг режалари билан ўртоқлашсангиз.

— Дарҳақиқат, мустақиллигимиз фарзанди сифатида дунёга келган Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганлигига ҳам яқинда уч йил тўлади. Ўтган даврда қоларли ва қизиқарли ўтишига эътиборни қаратганмиз.

— Вилоят партия кенгаши муаммоларни бартараф этиш борасида олиб бораётган ишлари хусусида ҳам тўхталсангиз.

— Вилоят партия кенгаши ижроия бюросида Чироқчи, Шаҳрисабз туманларида ёшлар ва хотин-қизлар орасида ишсизлик муаммоси долзарблиги ҳисобга олиниб, бу туманлар партия кенгашларининг ёшлар ва хотин-қизлар ташкилоти билан ҳамкорликда амалга ошираётган ишлари юзасидан ахборотлари эшитилди. Раҳбар партия аъзоларининг ҳам бу масалаларга етарли эътибор бермаётганлиги таъкидланди, уларнинг эътибори муаммоларни ҳал қилиш йўлларини қидириб топишга қаратилди.

Қамаши тумани партия кенгашининг биринчи котиби Жабборали Расулов туман ҳокими билан ҳамкорликда хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича амалий ишларни жонлантириб юборган.

Ҳозирги пайтда бу туманда 125 та фермер хўжалиги, 105 та кичик корхона муваффақиятли ишлаяпти. Мазкур меҳнат жамоалари фаолияти йўналиши турлича: деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш, қурилиш, таъмирлаш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, аҳолига маиший, турли пуллик хизмати кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашдан иборат. Буларда Ўзбекистон ХДПнинг партиявий қатламлари тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Янги бошланғич партия ташкилотлари тузилмоқда. Давр талабига мос иш тажрибаларини вилоят миқёсида ёйиш орқали муаммолар ечимини топяпмиз.

Қатор кичик корхоналарнинг раҳбарлари бир вақтнинг ўзида бошланғич партия ташкилотларининг котиблари ҳамдирлар. Масалан, Ғузор тумани Улуғбек номли жамоа ширкат хўжалиги қошидаги «Тонг» кичик корхонаси директори Ўрол Бозоров ҳамда «Пачкамар» давлат хўжалиги ҳузуридаги Абдулла Раҳимов кичик корхонаси аҳоли эҳтиёжи учун зарур маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш билан бирга шу корхоналарнинг бошланғич партия ташкилотлари етакчилари сифатида сиёсий тарбиявий ишларни ҳам олиб бормоқдалар.

Ташаббускор партия аъзоларидан яна бири Қарши бош канали бошқармасининг бошлиғи Рустам Очилов меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор беряпти. Бошқарма қошида бешта фермер хўжалиги ва битта кичик корхона бор.

Айрим туман кенгашлари моддий жиҳатдан бирмунча қийналаётган бир пайтда Усмон Юсупов тумани партия кенгаши ўзининг «Омад» кичик корхонаси, фермер хўжалиги ҳисобидан аҳолига моддий ёрдам кўрсатмоқда.

Вилоят партия кенгашининг фаоллари мавжуд муаммоларни бартараф этиб, бундан кейин ҳам фуқаролар ишончини қозониш йўлида ғайрат ва шижоатни сира бўшаштирмайдилар.

СЎНГГИ СЎЗ ЎРНИДА: Бобомиз Амир Темур: «Миллатнинг улуғ мартабасини, саодатини сақламоқ, унинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир», деган эди. Фармон ака билан бўлган узоқ гурунгдан сўнг у кишининг юрт дарди билан яшаб, элга қайишиб меҳнат қилаётганини англадик.

Муҳими, боболаримизнинг доно ҳикматларига амал қилган вилоят партия кенгаши катта карвонга сарбонлик қилмоқда.

Суҳбатдош Эркин ЭСИРГАДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Бозор иқтисоднёти шароитида кимки тадбиркор, ишбилармон бўлса, ўшанинг ошиғи олчи. Ана шундай тадбиркорлар ердан унумли фойдаланиб мўл ҳосил оладилар. Бундан ҳар томонлама фойда кўрилади. Биринчидан, маҳсулот етиштирувчи кўплаб ҳосилни эл дастурхонига етказиб бергани учун анчагина даромад олади. Иккинчидан, халқимиз дастурхони тўкин бўлади. Маҳсулот арзонлашади.

Янгийўл туманидаги Назарали Ниёзов номли жамоа хўжалигида яшовчи Муҳаббат Зокирова юқорида айтганимиздек тадбиркорлардан. У ўз томорқасига кўплаб маҳсулотлар экиб, эл дастурхонини тўкинлаштирмоқда. У бу йил 10 сотих ерда помидор, бодринг, турли ош-кўклар етиштирди. Томорқадан талайгина даромад олди. Бу аёл беш фарзанди билан ҳовлисини яшнатиб юборган. Унинг асли касби кутубхоначилик. Мактабда ишлайди. Ишдан бўш вақтларида эса деҳқончилик билан шуғулланади. Шу боис бу оила тўқ, фаровон ҳаёт кечирмоқда.

СУРАТДА: Муҳаббат Зокирова ўзи етиштирган маҳсулотни намойиш этмоқда.

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XVI сессияси олдидан

ДЕМОКРАТИК, ВАКОЛАТЛИ ПАРЛАМЕНТ

Шу йил 22 сентябрда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн олтинчи сессиясини чақириш белгиланди. Унинг муҳокамасига ўндан ортиқ масала киритилган. Шулар қаторида биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловларни тайинлаш тўғрисидаги муҳим масала ҳам бор.

Ўзбекистон тарихида биринчи марта кўппартиявийлик асосида сайланадиган парламент, яъни Олий Мажлисга сайлов тўғрисидаги Қонун олий давлат вакиллик органини, яъни мустақил давлатнинг парламентини ташкил қилиш қоидаларини ҳуқуқий мустаҳкамлаб берди. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга ошириш ваколатига эга бўлган парламент, шубҳасиз, давлат ва жамият ҳаётида бениҳоя катта роль ўйнаши турган гап. Айниқса, мамлакат бошидан кечираётган ҳуқуқий инсонпарвар жамият барпо қилиш даврида парламент томонидан қабул қилинган оқилона Қонунлар республикамиз истиқлолини мустаҳкамлашда катта хизмат қилмоғи лозим.

Жаҳонда парламентлар қандай ном билан аталишидан, неча палатали бўлишидан қатъий назар, уларнинг ваколатлари бир хил. Уларнинг фаолият доирасига қонун чиқариш, давлат бюджетини қабул қилиш, халқаро шартномаларни ратификация қилиш (тасдиқлаш), конституциявий суд органларини тайинлаш масалалари киради.

Ўзининг давлат тузилиши бўйича кучли ижро қилиш ҳокимиятига эга бўлган Ўзбекистон суверен демократик республикадир. Конституцияга асосан Олий Мажлис унинг олий вакиллик давлат органи бўлиб ҳисобланади. Олий Мажлис тўғрисидаги Қонунга асосан у бир палатали парламент бўлиб, 250 нафар депутатдан ташкил топади. Олий Мажлис ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўп партиявийлик асосида беш йил муддатга сайланади. Олий Мажлис депутатларини сайлашда умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи, яширин овоз бериш принциплари қўлланилади.

Олдинги сайлов тўғрисидаги Қонунлардан фарқли ўлароқ янги Қонунда Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш тартиби бўйича муҳим янги қоидалар белгиланган. Эндиликда депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи сиёсий партияларга, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар кенгашларига берилган.

Қонун рўйхатга олинган ҳамма партиялар учун тенг шароитларни кафолатлайди. Унда сиёсий партиялар депутатликка икки юз эллик нафар номзод, яъни ҳар бир сайлов округидан биттадан депутатликка номзод кўрсатишга ҳуқуқли эканлиги белгиланган.

Қонунда депутатликка номзод танлаш тартибини сиёсий партиялар ва ҳокимиятнинг вакиллик органларининг ўзлари ҳал этиши таъкидланган. Сиёсий партиялар фақат ўз партияси аъзоларини ёки партиясизларни, ҳокимиятларнинг вакиллик органлари эса шахсларни у ёки бу партияга мансублигидан қатъий назар, депутатликка номзод этиб кўрсатишга ҳуқуқлидир. Демак, Олий Мажлис депутатлигига номзод сифатида ҳеч қандай партияга аъзо бўлмаган фуқаролар ҳам кўрсатилиши мумкин. Энди сиёсий партиянинг сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи камида эллик минг сайловчининг имзоси зарурлиги масаласига келсак, у мамлакатда ўрнатилган сайлов тизимининг демократик характерда эканлигини исботлайди. Чунки сайловчилар сиёсий партияларнинг сайловолди дастурлари билан яқинроқ танишиш имкониятига эга бўладилар.

Қонунда кимлар депутатликка номзод сифатида рўйхатга олинмаслиги ҳам аниқ белгилаб берилган...

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги Қонунда жаҳон мамлакатлари парламент сайлови қонунчилигининг ижобий томонлари ҳисобга олинган ва у асосда ташкил этиладиган республикамизнинг вакиллик органи демократик, ваколатли, профессионал парламент бўлишига ишонч туғдиради.

К. ШЕМЕТАЕВ,
Тошкент Давлат юридик институти доценти, юридик фанлари номзоди.

МАЪҚУЛЛАГАНИМ-МАЪҚУЛЛАГАН

Ўттиз икки йилдан буён Тошкент Давлат университетида талабаларга таълим-тарбия бериб келаман. Шу давр ичида республика сиёсий ҳаётида фаол иштирок этяпман. Ўтган ҳаёт йўлимга назар солар эканман, бирор марта виждонимга зид иш қилмаганман. Ўзимга имтиёзлар ёки мукофотлар олишга ҳаракат қилмадим. Шунга қарамай кўпгина давлат мукофотларига сазовор бўлдим. «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби» унвонини олдим. Шу муносабат билан ХДПнинг ёш аъзоларига қуйидагиларни айтишни лозим топдим. Халқимиз, давлатимиз фаровонлиги йўлида сидқидилдан ҳалол ва виждонан меҳнат қилинг. Айнан шу йўл сизга бахт келтиради. Жамият ва меҳнат жамоангиз ҳурмати ва эътиборига сазовор бўласиз.

Мен партия аъзоси сифатида қаерда бўлмай — талабалар машғулотидами, меҳнат жамоаларидами, маҳаллаларда ёки дўстларим орасидами ҳукуматимиз ва ХДПнинг иқтисодий, сиёсий соҳалардаги йўлини маъқуллаганим-маъқуллаган.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз ўзининг масъулиятли даврини бошидан кечираётгани ҳаммамизга аён. Биз турли сафсатабозлар, мансабпарастлар ва нопоклар гапига алданмаслигимиз, мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида жипслашиб ХДП сафида янада шижоат билан меҳнат қилишимиз лозим.

Ишончим комилки, бир неча йилдан сўнг Ўзбекистон Республикаси энг ривожланган давлатга айланади.

А. АЗИЗХОНОВ,
партия фахрийси, профессор.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ЗЎРАВОНЛИКДА АЙБЛАДИ

● Америка Қўшма Штатлари Президенти Билл Клинтон «Ассошиэйтед Пресс» агентлиги мухбири билан суҳбатда Гаити ҳарбий ҳукуматини қонхўрлик ва зўравонликда айблади.

У давлат тўнтариши воситасида ҳукуматни қўлга олган Гаитининг ҳозирги ҳарбий раҳбарлари кейинги уч йил ичида турли сиёсий айблар билан 3 минг кишини қатл этганини айтди. АҚШ Президенти Гаитидаги ҳарбий ҳукуматнинг куни битаётганини таъкидлади.

ФУҚАРОЛАР УРУШИНИ КИМ ТАЙЁРЛАГАН?

● Парижда чиқадиган «Либерасьон» рўзномаси таҳририяти собиқ Руанда қуролли кучлари бош қароргоҳининг махфий ҳужжатларини диққат билан ўрганганча, мамлакатда давом этаётган қирғинбарот фуқаролар уруши ҳукумат армияси томонидан тайёрланган, деган хулосага келди.

ВАЗИРЛАР УЧРАШУВИ

● Баварияда ГФР, Франция ва Польша мамлакатлари ташқи ишлар вазирларининг учрашуви бўлди.

Германия Ташқи ишлар вазирлигининг хабар беришича, учрашувда Польша Республикасининг Европа Иттифоқи билан ҳамкорлигини кенгайтириш масаласи муҳокама қилинди.

ЯПОН МУЪЖИЗАСИ

● Япония мўъжизаси — нихчам радиотелефонга бўлган эҳтиёж тобора ошиб бормоқда.

Сўнгги уч ой давомида бундай телефонлардан фойдаланувчи кишилар сони 500 мингдан ошган. Мутахассислар фикрича, жорий молия йилининг охиригача радиотелефон эгаларининг сони 3,7 миллионга етади.

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

● Ҳиндистон ва Хитой ҳукуматлари ўртасида кимё саноати соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим имзоланди.

Унга кўра, ҳар икки мамлакатда қўшма корхоналар қурилади. Хитой ва Ҳинд олимлари биргаликда илмий тадқиқотлар ўтказади. Битимни амалга жорий этиш беш йилга мўлжалланган.

ИНГЛИЗ ОЛИМИНИНГ ТАХМИНИ

● Макхольц-2 кометаси Ерга яқинлашиб келмоқда, лекин у сайёрамиз билан тўқнашмайди, деб маълумот берди дунёга машҳур инглиз олими Стивен Хокинг Куала — Лумпурда ўтказилган матбуот анжуманида.

Физик олимнинг таъкидлашича, агарда мазкур комета ер билан тўқнашса, инсоният ҳаётидан асар қолмайди. Бироқ комета ер яқинидан ўтиб кетишига аминман, деди у. Олим Ернинг фазовий жисмлар билан тўқнашуви ҳар 10 миллион йилда содир бўлиши ва бу ҳол охирги марта рўй берганида динозаврлар ер юзидан йўқолиб кетганини айтди.

БИОЛОГИК ҚУРОЛДАН ВОЗ КЕЧИЛДИ

● АЛЬ-ҚУВАИТ. Ироқ ҳукумати биологик қурол ишлаб чиқаришни қайта йўлга қўймоқчи эмас.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг икки ой давомида Ироқ ҳудудида текширувлар ўтказган махсус гуруҳи шундай хулосага келди. Гуруҳ раҳбари Дэвид Келлининг айтишича, мамлакатдаги 70 дан ортиқ объект текширилган. Ироқ ҳукумати текширувчиларга барча қулайликларни яратиб берган, мавжуд ҳужжатлар ва карталарни тавсия қилган.

ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

● РАБОТ. Марокаш билан Россия мамлакатлари ўртасида балиқчилик бўйича тузилган махсус комиссия ўзаро ҳамкорлик ҳақида ҳужжат имзолади.

Унда ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш билан бирга атроф муҳит муҳофазаси ва денгиз жониворларини асраш тадбирлари кўзда тутилган.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

• ХДП ҳаётидан

ТАШКИЛИЙ МАСАЛА КЎРИЛДИ

Ўзбекистон ХДП Бўка туман кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. Баҳром Раҳмонқулов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан туман партия кенгаши биринчи котиби вазифасидан озод этилди. Илгари туман партия кенгашининг иккинчи котиби бўлиб ишлаган Орзимурод Ҳамроев туман партия кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди.

Пленумда қатнашган туман ҳокими Б. Маҳситов, ЎзХДП Тошкент вилоят кенгашининг биринчи котиби Ў. Турғунов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг депутати Х. Абдужабборовдар партиянинг уч йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан партия ташкилотларининг вазифалари, пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан ўтказиш, партиянинг ҳокимиятлар билан ҳамкорлигини ошириш ва бўлғуси сайловларга тайёргарлик кўриш масалаларида батафсил тўхталиб ўтдилар.

Э. ТОШТЕМИРОВ.

• Ташаббус

ФИДОКОРЛИККА ДАЪВАТ

Сирдарё вилояти пахтазорларида йиғим-терим ишлари кун сайин авж олиб бормоқда. Ой ўртасида бўлиб ўтган ёғингарчилик ҳаммани яна бир бор ҳушёрликка чақирди. Вилоятда қўл терими бошланганига анча бўлди. Ғўза барглари тўкилиб теримга етилган майдонларда эса машина терими ҳам авж олдирилмоқда.

Ана шундай масъулиятли дамларда ХДП Сирдарё вилояти кенгаши барча партия аъзоларига, ишчи ва деҳқон, ёшлар ва фахрийларга вилоятнинг барча аҳолисига қарата мурожаат билан чиқди.

Мурожаатда юксак пахта хирмони учун бўлган курашда фидокорлик намуналарини кўрсатишга даъват этилади.

ХДП вилоят ташкилоти етакчи сиёсий куч ҳисобланади. Унинг сафида ҳозир жами 12600 дан ортиқ партия аъзоси бор. Шуларнинг деярлик 80 фоизи қишлоқда яшайди. Ҳозирги кунларда 10 мингга яқин партия аъзоси йиғим-теримда иштирок этаётир. Ҳосил тақдири учун бўлган курашда уларнинг ўрни катта, албатта.

Шу кеча-кундузда жойлардаги шаҳар, туман ҳамда бошланғич ташкилотларда мазкур мурожаат муҳокама этилиб, йиғим-теримга сафарбарлик ишлари ҳар тарафлама кенг авж олдирилмоқда.

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• Президент Фармонлари қандай бажарилмоқда?

ХОЛИҚУЛ ФЕРМЕРНИНГ ТАШВИШЛАРИ

Халқимизнинг ажойиб бир одати бор. Оилада фарзанд туғилар экан, уни вояга етказишга, ўқитишга, вояга етганда эса бошини иккита қилишга ҳаракат қилинади. Шундан сўнг ҳам ота-она ҳузур-ҳаловатда яшайди, деб ўйлайсизми?

Бугунги суҳбатдошимиз ўн бир фарзандининг отаси, Денов туманининг илғор фермерларидан бири Холиқул Тўрақуловдир.

— Ўша йилларда яшаш шароитимиз бироз оғир эди,— дея гап бошлайди Холиқул ака.— Беш фарзандим турли олий ўқув юртларида таълим олишарди. Бу мен учун, қолаверса, оиламиз учун катта бахт эди. Қандай бўлмасин уларни ўқитайин, келажакда одам бўлсин деб тиним билмай меҳнат қилардим. Аммо, очиғини айтсам уларни пул билан таъминлашнинг ийин бўлиб қолганди. Ўшанда йилқичилик бўйича бригадада бошлиғи эдим.

Шундан сўнг фермер бўлишга аҳд қилдим. 1990 йил хўжаликдан ўн минг сўм қарз пул олиб, 14 бош қорамол сотиб олдик. Тўғри, дастлаб бироз қийналдик. Чунки, барча ишлар қўлда бажарилар, шароитимиз ҳам яхши эмасди. Қийинчиликларга қарамай оиламиз билан самарали меҳнат қилдик. Шу йилнинг ўзидаёқ икки тонна гўшт топширдик. Қарзимиздан қутилдик. Аста-секин ишимиз ривожлана борди. Ҳалол меҳнат қилган инсон ҳеч қачон хор бўлмас экан. 1991 йилда 4,5 тонна гўшт топширган бўлсак, ўтган хўжалик йилида эса 9 тоннага яқин гўшт ва сут топширдик.

— Ҳозир ишбилармонларнинг, меҳнат қиладиганларнинг даври. Бундайларга Республикамиз Президентининг февраль ойида чиқарган фармони ҳам кучига куч, ғайратига ғайрат қўшмоқда.

Ҳозир фермер қарамоғида 50 бошга яқин қорамол, 10 бош йилқи, 30 бош қўй бор. Молларни яхши парваришлашда Ботиржон ва Ўралжон ўз отасига яқиндан ёрдам беришмоқда. Холиқул аканинг келинлари Гулнорахон ва Саодатхонлар ҳам қараб ўтиришгани йўқ.

Оила бошлиғи билан молхоналарни кўздан кечирдик.

— Кўриб турганингиздек, ҳозирги шароитдан ўзимни ҳам кўнглим тўлмайди. Чунки муаммоларимиз кўп,— дейди у.

Фермернинг гапларига қўшилмай иложимиз йўқ. Чунки йигирмадан ортиқ қорамол шароит йўқлигидан тор жойда боқилмоқда. Қолганлари эса баҳор бошланиши билан тоққа ҳайдалган экан. Бундан ташқари йилқи, қўй ва қўзилар учун ҳам шароит яхши эмас.

Ҳозир фермернинг ҳисобида атиги икки гектар ер бор. У ҳам 5—6 чақирим узоқликда. Энди ўзингиз ҳисоблаб олаверинг. Фермер молларга қарасинми, ёки пичанни қўриқласинми? Хўжалик раҳбарлари тўрт йил давомида фермерга бор-йўғи икки марта ем берибди.

Кейинги пайтда фермерларимиз учун имкони борича қулай шароитлар яратиб берилаётган бир пайтда наҳотки хўжалик раҳбарлари бунни англашмаган бўлсалар!

— Қани энди туман раҳбарлари бизга 8—10 гектар ер ажратиб беришса,— дейди Холиқул ака, икки йилдаёқ соғин сигирлар сонини камида 100—120 бошга етказардик. Молларнинг туёқ сони қанча кўпайса, халқимизнинг дастурхони ҳам шунча тўкин-сочин бўларди. Қолаверса, қаровчиси йўқ, шароити оғир оиларга арзон нархларда сут, гўшт етказиб бериш ниятимиз ҳам йўқ эмас. Агар барча муаммоларимиз ижобий ҳал бўлса келажакда хусусий корхона ёки цех қурмоқчимиз. Акбаржон ва Чорижонлар бу йил олий ўқув юртини муваффақиятли тугаллашди. Улар бемалол ана шундай корхона ёки цехни бошқаришлари мумкин.

Ҳа, фермер Холиқул Тўрақуловнинг келажакдаги ниятлари чакки эмас. У киши билан хайрлашар эканмиз ҳам йилқичилик бригадири, ҳам фермер бўлиб ишлаётган бундай олийжаноб ва тиниб-тинчимас инсоннинг келгуси ишларида омадлар тиладик.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ.

• ФЕРУЗ ТАВАЛЛУДИНИНГ 150 ЙИЛЛИГИГА

ФЕРУЗШОҲ

Ҳижрий 1281 йил сунбуланинг охири, рабиус сонийнинг 21-куни мелодий ҳисоб билан 1664 йил 22 сентябрда ота ўрнига тахтга кўтарилган Муҳаммад Раҳим тўра 19 ёшида эди. Унинг тахтга кўтарилишида Ҳасанмурод қушбеги ва Раҳматулло ясовулбошининг хизматлари алоҳида бўлди. Чунки улар арк ичига умаро ва аёнларни тўплаб, маслаҳатлашиб, Бобожон тўранинг (Муҳаммад Раҳимнинг ёшлигидаги исми) хон бўлиб сайланиши учун қаттиқ турдилар. Хонликнинг қадимдан келаётган удуми бўйича ҳам марҳум хоннинг катта ўғли ота ўрнига тахтга чиқиши керак эди. Шу куни жарчилар «Давр — даври Муҳаммад Раҳим Баҳодирхон» деб жар солдилар.

Муҳаммад Раҳимхон II хонлик даврида у ўзидан аввал ўтган хонлар каби туркман ёвмутларининг ҳужумларидан сақланиб, уларга қарши урушлар олиб боришга мажбур бўлган. 1873 йилда Хива хонлиги Россия томонидан босиб олинади. Шу йили 12 августда Гандимён қишлоғида сулҳ шартномаси тузилди. Унда кўрсатилишича, Хива хонлиги Россиянинг протекторатига айланди. (Протекторат — империалистик давлатларнинг бошқа заифроқ мамлакатларга зўр-зўракай қабул қилдирган қарамликнинг бир тури).

Руслар Хива хонлигининг энг қимматбаҳо бойликларини «илмий» асосда таладилар. 300 дан зиёд нодир қўлёзма асарлар, Хива хонларининг архиви, олтин-кумуш тангалари, 1816 йилда Мадримхон 1 томонидан тузатгирилган ноёб тахт ана шулар жумласидан эди.

1875 йилда Москвада нашр қилинган «Очерки и завоевание Хивы» китобида Е. Желябужский шундай ёзади: «Хива хонлиги жойлашган Ўрта Осиё, жуда узоқ ўтмишда биз европаликлар, ҳиндлар ва форсларнинг, яъни, ҳинди-европа-арий қабилаларининг бешиги бўлган. Қачонлардир бизларнинг боболаримиз — славянлар Россияга ўша Ўрта Осиёдан келишган.

...Хиванинг ҳозирги хони Сайид Муҳаммад Раҳимхон — иродасиз, давлат ишлари билан шуғулланишни ёқтирмайди, атрофидагилар таъсирига осон берилувчан. Унда ғаразгўй ва қаттиққўл Матмурод девонбегининг таъсири кучли. Руслларнинг қўшинини ҳам тўхтатишга уринган шу киши, лекин руслар уни тор-мор этдилар. Шундан кейин Матмурод Казалинскка сургун қилинди. Хон Полвон мирзабошини, иниларидан Отажон тўрани севади ва ҳурмат қилади. Кейинги пайтда у билан келишмай, ҳатто қамаб қўйган. Руслар келгандан кейин озод қилинди».

Рус тарихчисининг ушбу сўзларини ўз қолича келтирдикки, Муҳаммад Раҳимхон II тўғрисидаги ҳаққоний хулосани ўқувчининг ўзи чиқаради. Желябужский хоннинг сафарга чиқишини ҳам тасвирлаган. Хон сафарга чиқса, уни ҳамма амалдорлари ва ҳоким-лари кузатиб борганлар... Отининг либоси олтин ва кумушдан ишланган. Икки қулоғининг ўртасидаги безак от қилидан учи қуббачали қалпоқ шаклида тўқилган. Эгарига қилич ва икки ёнига тўппонча осиб қўйилган.

Муҳаммад Раҳимхон II нинг кўп йиллик ҳукмдорлик даври руслар-га қарамликда ўтди. Бу даврда Россия бутун Ўрта Осиё хонликларини босиб олган эди. Руслар-нинг бу босқинчилиги Ўрта Осиё халқлари учун илғор тараққиёт йўлини ҳам очиб берди. Эндиликда Ўрта Осиёдаги давлатлар ўртасидаги ўзаро урушлар тўхтади, қўлчиликка барҳам берилиб, қул бозорлари беркитилди. Бу ўз навбатида давлат ички сиёсатини тинч юргизиш ва бунёдкорлик ишлари билан шуғулланишга йўл очди.

XIX аср иккинчи ярмида Эрон ва Туркия каби давлатларда бўлаётган янгича ўзгаришларнинг Хива хонлигига ҳам таъсири бўлмасдан иложи йўқ. 1874 йилда Мадримхоннинг буйруғи билан Эрондан Хивага китоб босиш ускуналари билан Иброҳим Султон шартнома асосида чақириб олинди. У Хивада Ўрта Осиёда биринчи босмахона тош босма — литографияни йўлга қўйди. Унга шогирд тушган боғотлик Отажон Абдол ўғли тезликда бу санъат сирларини ўрганиб, Хива китоб босмахонасига асос солдилар.

Мадримхон Феруз (бахтли, толели, ғолиб) тахаллуси билан шеърлар ёзар ва саройга 40 га яқин шоир, бастакорларни тўплаб, ҳафтада икки маротаба шеърхонлик кечалари ўтказар эди. Шоирларнинг ёзган шеърларини тошбосмадан чиқаришга ёрдам кўрсатарди.

Оғаҳий Муҳаммад Раҳимхон II ҳақида шундай ёзади: — «Бир куни фақирга иноят назари била боқиб дилнавозлик юзидан хитоб қилиб дедиким: «Барча мусаввирлардаги ва баёзлардаги шеърларингни жам этиб, девон суратида тартиб бергил ва анга дебоча ясаб, айтилган ашъорларингни девонда рақам силкига гавҳар янглиғ тергил. Кишидин то қиёматгача боқий қолтурғон ёдгор ва фарзанди саодат осор яхши сўздир». Алқисса, бу амри шарифни қабул эттим».

Шундан кейин Оғаҳийнинг «Таъвизул ошқин» номли машҳур девони юзага келган. Шунингдек, тошбосмада Баёний, Мунис, Комил Хоразмий, Табибий ва бошқаларнинг шеърлари нашр қилина бошланди. Булар орасида хоннинг фармони билан 1906 йилда нашр қилинган «Мажмуаи 30 шуаро пайрави Феруз-шоҳ» асари ажралиб туради. Бу асар 800 варақдан иборат бўлиб, унга Табибий дебоча ёзган. Унда Феруз-нинг юз ғазалига ўттиз шоир пайравлик этиб, ғазаллар ёзганлар. Ҳар шоирга ғазалидан олдин Табибий 2-6 мисралик маснавий ёзган. Феруз-шоҳнинг ўзи Паҳлавон Маҳмуднинг 350 рубойисини қўлда кўчириб, китоб қилган. Шоир ва бастакор хондан бизгача бир неча қўлёзма, тошбосма ҳолида чоп этилган девонлари етиб келган. Улардан иккитаси Ленинградда, тўрттаси Тошкентда, иккитаси Хива музей-қўриқхонасида сақланмоқда.

1884 йилда Хива хонлигига келтирилган меннонит немис хўжаликлари Хивага Европа маданиятини олиб келдилар. Хиваликлар «Панор бува» деб ном қўйган Вильгелм Пеннердан Худойберган Девонов фото-кино санъатини ўрганиб, Ўрта Осиё кино санъатига асос солди. Х. Девоновнинг хизматлари туфайли шу даврда кишилари, ёдгорликларнинг фото тасвири, кино лавҳалари бизгача етиб келди.

Комил Хоразмий устоздан шогирдга оғзаки ўргатилиб келинаётган мусиқа санъатига нота яратди ва эндиликда басталанган куй қоғозга ёзилиб, умри абадий бўлди. Хоразм 6,5 мақоми тўлдирилиб, танбур чизиғига жойлаб ноталаштирилди.

Муҳаммад Раҳимхоннинг 1898 йил 12 апрелдаги фармони билан хонлик ҳудудларида қадимдан қолган музейбоп буюмлар тўплана бошланди. Хоннинг вилоят ҳокимларига юборган буйруғи шундай эди: «Қадимдан қолғон ёдгор нарсаларни йўқ қилдурмасунлар, ҳар бир тариқа кўҳна жой ва қалъа ва иморатлар бўлса, не тариқа бино бўлғонларини ва кўҳна тилла ва танга ва фуллар бўлса борлаб топиб мунда юборсунлар».

Хоразм осори атиқалари 1890 йилда Тошкентда, 1895 йилда Нижний Новгород Бутунроссия кўргазмасида, 1900 йилда Парижда, 1904 йилда Американинг Миссурии штатининг Олои шаҳрида ўтган халқаро кўргазмаларда намойиш қилинди. Мадримхоннинг даврида, унинг атрофига тўпланган амалдорлар ҳам хонга тақлид қилиб, ўзидан бир ёдгорлик қолдириш учун ҳаракат қилар эдилар. Чунки мушоира кечалари хоннинг даврадагилардан: — «Қани, сиз ўзингиздан нима ёдгор қолдирясиз?» деб савол бериш одати бор эди.

Қурилган иморат ёки қазилган ариқ шу кишининг номи билан аталган. Бу ишларда Мадримхондек одил ва маърифатпарвар ҳукмдорларнинг ҳиссаси катта бўлган. Унинг даврида Хивада қурилган иморатлардан ўттиздан зиёди бугунгача сақланиб қолган. Хоннинг ўзи Паҳлавон Маҳмуд мақбарасида ёзги масжид ва айвон қурдирди. Унинг тарғиби билан Матмурод ва Матниёз девонбегилар, Юсуф ва Қадам ясовулбошилар, Матпаноҳбой, Қози калон Салим Охун, Дўст аълам ва бошқалар мадрасалар қурдилар. Ислом хўжа ва Полвон қори бир минорали мадраса бино этдилар. Хон Нуриллабекда, Тозабоғда кўп кишиларни ватанли қилиб, уларга масжидлар қуриб берди. Шунингдек, Шоҳимардон дарвозаси жанубий-ғарбида бир қорихона ва масжид қурдирди. Қишлоқларда янги ариқлар қаздирди, боғлар барпо этди.

Муҳаммад Раҳимхон II даврида Хива хонлигида 106 минг хонадонда 742 минг киши яшаган. Шулардан ўттиз минг хонадонлик туркманларнинг сони 150 минг кишини ташкил этган.

1500 та мактабда ўттиз ўқувчидан йилига қирқ беш минг ўқувчи саводини чиқариб, 130 та мадрасада ўртача 50 талабадан йилига саккиз минг киши олий маълумотли даражага етган. Ушбу сўзларимизнинг далили сифатида Е. Желябужскийнинг сўзларига ишора қиламиз: — «Хива ва Туркманияда ўқув юртлари ёки мадрасалар жуда кўп ,уларнинг қурилиши ва таъминоти учун ҳукмдорлар билан бир қаторда халқнинг ўзи ҳам қаттиқ жонбозлик кўрсатади. Аҳолининг маълумоти ва ўқитилиши билан руҳонийлар шуғулланади. Аммо Ўрта Осиёда саводхонлик жуда катта фоизни ташкил қилишга қарамасдан, улар ўзларининг иримчилиги, хурофотга берилиши билан алоҳида ажралиб турадилар».

Муҳаммад Раҳимхон II — Феруз-нинг 1907 йили 63 ёшда — Муҳаммад пайғамбар саллаллоҳи алайҳи васалламнинг ёшларига етган йилида Тошкентда, 1895 йилда Нижний Новгород Бутунроссия кўргазмасида, 1900 йилда Парижда, 1904 йилда Американинг Миссурии штатининг Олои шаҳрида ўтган халқаро кўргазмаларда намойиш қилинди. Мадримхоннинг даврида, унинг атрофига тўпланган амалдорлар ҳам хонга тақлид қилиб, ўзидан бир ёдгорлик қолдириш учун ҳаракат қилар эдилар. Чунки мушоира кечалари хоннинг даврадагилардан: — «Қани, сиз ўзингиздан нима ёдгор қолдирясиз?» деб савол бериш одати бор эди.

Қурилган иморат ёки қазилган ариқ шу кишининг номи билан аталган. Бу ишларда Мадримхондек одил ва маърифатпарвар ҳукмдорларнинг ҳиссаси катта бўлган. Унинг даврида Хивада қурилган иморатлардан ўттиздан зиёди бугунгача сақланиб қолган. Хоннинг ўзи Паҳлавон Маҳмуд мақбарасида ёзги масжид ва айвон қурдирди. Унинг тарғиби билан Матмурод ва Матниёз девонбегилар, Юсуф ва Қадам ясовулбошилар, Матпаноҳбой, Қози калон Салим Охун, Дўст аълам ва бошқалар мадрасалар қурдилар. Ислом хўжа ва Полвон қори бир минорали мадраса бино этдилар. Хон Нуриллабекда, Тозабоғда кўп кишиларни ватанли қилиб, уларга масжидлар қуриб берди. Шунингдек, Шоҳимардон дарвозаси жанубий-ғарбида бир қорихона ва масжид қурдирди. Қишлоқларда янги ариқлар қаздирди, боғлар барпо этди.

Муҳаммад Раҳимхон II даврида Хива хонлигида 106 минг хонадонда 742 минг киши яшаган. Шулардан ўттиз минг хонадонлик туркманларнинг сони 150 минг кишини ташкил этган.

1500 та мактабда ўттиз ўқувчидан йилига қирқ беш минг ўқувчи саводини чиқариб, 130 та мадрасада ўртача 50 талабадан йилига саккиз минг киши олий маълумотли даражага етган. Ушбу сўзларимизнинг далили сифатида Е. Желябужскийнинг сўзларига ишора қиламиз: — «Хива ва Туркманияда ўқув юртлари ёки мадрасалар жуда кўп ,уларнинг қурилиши ва таъминоти учун ҳукмдорлар билан бир қаторда халқнинг ўзи ҳам қаттиқ жонбозлик кўрсатади. Аҳолининг маълумоти ва ўқитилиши билан руҳонийлар шуғулланади. Аммо Ўрта Осиёда саводхонлик жуда катта фоизни ташкил қилишга қарамасдан, улар ўзларининг иримчилиги, хурофотга берилиши билан алоҳида ажралиб турадилар».

Муҳаммад Раҳимхон II — Феруз-нинг 1907 йили 63 ёшда — Муҳаммад пайғамбар саллаллоҳи алайҳи васалламнинг ёшларига зига уйланади. Халқ ва Саййидлар авлоди хон иродасига қарши чиқа олмайдилар. Элтузар иноқдан кейин тахтга ўтирган Муҳаммад Раҳимхон I ҳам худди шу ишни такрорлаган.

Муҳаммад Раҳимхон I нинг Саййид Абдулла хўжа қизидан Саййид Маҳмуд, Саййид Аҳмад ва Саййид Муҳаммад исмли учта ўғли бўлган. Муҳаммад Раҳимхон II Ферузнинг отаси Саййид Муҳаммадхон бўлган. Саййид Муҳаммадхондан етти ўғил қолган. Уларнинг исмлари: Саййид Муҳаммад Раҳим, Саййид Аҳмад, Тўра Мурод, Оллоёр, Давлатёр, Худоёр, Саййид Ҳамид тўралар. Саййид Муҳаммадхоннинг (хонлик даври ҳижрий 1272—1281; мелодий 1856—1864 й.й.) отаси Муҳаммад Раҳимхон I бўлган. Муҳаммад Раҳимхон I дан (хонлик даври ҳижрий 1221—1240; мелодий 1806—1824 й.й.) ҳам етти ўғил ёдгор қолган. Уларнинг исмлари: Оллоқули, Раҳмонқули, Худойқули, Саййид Маҳмуд, Саййид Аҳмад, Саййид Муҳаммад, Тангриқули тўралар.

Муҳаммад Раҳимхон II нинг ёшлигида бобосининг исми қўйилгани учун Бобожон деб аталган. Унинг иниси Саййид Аҳмад тўрани эса Отажон деб атаганлар. Муҳаммад Раҳимхон II — Ферузнинг олти ўғил ёдгор қолди. Уларнинг исмлари: Аскар, Мадиёр, Саййид Абдулло, Саййид Исфандиёр, Ибодулло, Муҳаммад Юсуф тўралар. Феруз вафот этган 1910 йил 16 август куни Хива тахтига унинг тўнғич ўғли Саййид Исфандиёр тўра кўтарилди. Эртасига Ферузнинг ўзи қурдирган арконнинг олдидаги мадрасанинг саҳнида жанозасини ўқиб, отаси Саййид Муҳаммад Моҳируйижаҳоннинг куббайи олийларида тупроққа қўйилди.

Муҳаммад Раҳимхон II мамлакати ичида амалга оширилган улкан хизматлари учун, рус подшоҳлари томонидан мўносиб тақдирланиб борган. Жумладан, 1883 йил 11 майда «Муқаддас Анна» ордени билан, 1896 йил февралида «Жаноби Олийлари» унвони билан тақдирланган. Шу йили 14 майда ёзилган Ёрлиғида жумладан шундай сўзлар бор: — «Жаноби олийлари, Сиз бошқараётган халқнинг тинч ва фаровон турмуш кечираётгани, хонликдаги рус ва маҳаллий халқларнинг аъло даражадаги муносабатлари ва Сизнинг самаралли фаолиятингизни ҳисобга олиб, Сизга Ўзимнинг илтифотимни билдириб, Сиз жаноб Олийларини Ўзимнинг Шонли Армиям рўйхатига Генерал-лейтенант қилиб киритдим. Сизга бўлган эзгу илтифотимнинг алоҳида белгиси сифатида Сиз Жаноб Олийларига, кўкрагингизга тақиб юриш учун бриллиантлардан ёзилган Ўз Исмим тасвирини юбордим. Николай».

1905 йил 12 ноябрда ёзилган Ёрлиғида шундай сўзлар бор: — «Подшоҳ Император Сиз Жаноб Олийга атрофига олмос ўрнатилган кўкрагингизга осилмоқга Ўзларининг суратлари ва ҳам валиъаҳд ўғлингиз Саййид Исфандиёр тўрага Полковник даражасини қабул айлаган...».

Муҳаммад Раҳимхон II ҳозирча бизга маълум бўлган яна «Муқаддас Станислав» орденининг 1-даражалиси ва бриллиантлар билан безатилгани Тож кийиш маросими медали, бриллиантлар билан безатилган жиға, олтин соат ва узук билан мукофотланган.

Ферузшоҳнинг шарофати билан ана шундай мукофотларни хиваликлардан йиғиримдан зиёд киши олганлар. Аллоҳ таолога минг марта ҳамду санолар бўлсинким, Ўзбекистонимиз истиқлоли шарофати билан йўқолаёзган қадриятларимизни тиклашга, эски ёзувдаги битикларни ўрганишга киришдик. Бу ёзувларни ёздирган хону бойлар ҳақида хоҳ яхши, хоҳ ёмон сўзлар айтсак ҳам, барибир ҳақиқат ўз ҳолича қолаверишини ҳам билдик. Энди барча ҳақиқатни баралла айтамиз, деган билан уни ҳам эплай олмаслигимиз аён. Чунки хом сут эмган бандаи мўминмиз, ҳар нарсадан истиҳола қиламиз. Ҳадисларда айтилган кимки ўзидан яхши из қолдирса, икки дунёда ҳам азиз бўлғусидир.

Муҳаммад Раҳимхон II ҳам биз қатори бир одам бўлиб ўтган, унинг ҳам бир одамчалик қусурлари, камчиликлари, баъзан машъум хатолари бўлиши табиий. Лекин ҳар бир тарихий шахсга баҳо берганда бир томонлама қараш инсонларга хос хато қилишнинг ўзгинасидир. Шунинг учун тарихда ўтган шахсга ҳозирги замон талаби билан эмас, балки у яшаб ўтган давр талаби билан сўровлар қўйиш ва шу замон талабига қандай жавоб бергани билан баҳолаш зарур. Ферузшоҳнинг 47 йил хон бўлиб, тахтда ўтиришига юқорида айтганимиздек, қабилалар ва давлатлар орасидаги урушларнинг тўхтатилгани сабаб бўлган. Ва ниҳоят, тан олишимиз керакки, тақдир деб аталмиш Аллоҳнинг истаги ҳам шу бўлган. «Подшоҳларни сўкманглар, чунки улар Аллоҳнинг ердаги соясидир», — дейилади ҳадисларда. Бунда бир сир-синоат бўлиши керакки, ўзидан улуғ хонларга хос ёдгорликлар қолдирган Муҳаммад Раҳимхон Сонийнинг 150 йиллик юбилейи ўтказилмоқда.

Ҳали, Шерғозихон, Араб Муҳаммадхон, Муҳаммад Раҳимхон I, Оллоқулихон, Муҳаммад Аминхон, Саййид Муҳаммадхон ва бошқа хонларга ҳам бағишланган саналар нишонланиши муқаррар.

Комилжон ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Хива «Ичон-Қалъа» музей қўриқхонаси тарих бўлимининг мудири.

• *Хушхабарлар*

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ АНЖУМАН

● ЎЗБЕКИСТОН Фанлар академияси «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси тизимли тадқиқотлар институтида «Бошқариш тизимлари ва ахборотларни қайта ишлашни тафаккурлаштириш» мавзусида халқаро илмий конференция ўтказилди.

Анжуман ишида Қирғизистон, Россия, Иордания, Яман, Сурия, Вьетнам каби хорижий мамлакатлардан ҳам олимлар иштирок этишди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиклари, мухбир аъзолари, фан докторлари ва номзодлари илмий маърузалар билан қатнашдилар.

Ҳ. ҚОДИРОВ.

●

ҲОСИЛ УНУМДОРЛИГИГА ЭЪТИБОР

● РЕСПУБЛИКА Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва «Ўзмевасабзавотузумсаноат» концернида ўзаро сим орқали кенгаш ўтказилди.

Кенгашни республика қишлоқ хўжалиги вазири Н. Қаюмов бошқарди. Картошка ва стевия ўсимликларини парвариш қилиш ҳақида вазирлик бош бошқарма бошлиғи Т. Холиқов ахборот берди. Сим орқали мулоқот қатнашчилари ҳар иккала ўсимликнинг агротехник тадбирларини ўтказишда йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш, экинларга вақтида ишлов бериш мўл ҳосил гарови экани ҳақида мулоҳаза билдирдилар.

Ҳ. ХОЛИҚОВ.

●

ИЖОДКОР ЎҚИТУВЧИЛАР ТАНЛОВИ

● БУХОРО вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш олий билимгоҳи Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда ижодкор ўқитувчилар кўрик-танловини ўтказди.

Ҳайъат аъзолари пешкулик Ҳидир Мурод, шофирконлик Омон Абдулла, когонлик Абдулла Кенжа, Шариф Бектош ва Бухородан Насиба Қаршиеваларнинг изланишларини юқори баҳолашди.

Б. ТУРАЕВ.

Далаларга «зангори кема»лар олиб чиқилгач, Сурхондарё вилоятида ҳам терим суръати ошиб бормоқда. Улар илғорлардан ортда қолмасликка ҳаракат қилишаяпти.

Шеробод туманидаги В. Қодиров номли жамоа хўжалиги пахтакорлари эса машина теримини ўтган ҳафтадаёқ бошлаб юборишди. Шу боис хирмонга барака кирмоқда. Ҳар бир терим машинаси билан 5-6 тоннадан «оқ олтин» терилаётганлиги фикримизнинг далилидир.

Айни кунларда хўжалик далаларида 1300 га яқин теримчи ҳосилни йиғиштириш билан банд. Миришкорларнинг нияти — Ватанимиз хирмонига ҳар гектар майдондан 30 центнердан ошириб ҳосил топшириш. Шу боис улар ғайрат камарини белга боғлаб меҳнат қилишаётир. Жамоа хўжалиги аъзолари йиллик маррани октябрь ойидаёқ уддалашга ваъда беришган.

СУРАТЛАРДА: 1. Хўжаликнинг кекса пахтакорларидан бири, звено бошлиғи Абдушукур Ортиқов механизатор Жовли Қодиров билан. 2. Машина теримн пайти.

Н. ХУЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

• *Арғумоқ остингдадур*

ХОСИЯТЛИ ГИЁХ

Кишилар ўртасида тахнакардия, яъни юракнинг безовта бўлиши ҳақида нолиб юрувчилар топилиб туради.

Бундай нохуш кайфиятнинг олдини олиш учун баъзи бир малҳамлардан фойдаланилса, айни муддао бўлар, деган ниятда қуйидаги таклифни раво кўрдик.

Гулбеорга ўхшаб хоҳлаган ерда чаман бўлиб барг ёзадиган лимонўтнинг хосияти ҳаммага ҳам аён бўлмаса керак. Ваҳоланки, бир ош қошиғида майдаланган бундай ўтдан фойдаланиш билан юракни тинчлантириш мумкин. Бунинг учун хушбўй ҳид таратиб турувчи бу гиёҳни стаканга солиб, устидан қайноқ сув қуйиш, ярим соат тургач, сузиб олиб овқатдан олдин уч маҳал ярим стакандан ичиш фойдали.

Тиббиётда мелисс деб юритилувчи бу гиёҳнинг хосияти талайгина. Хусусан, кишини тинчлантирувчи, қон босимини тушурувчи, меъда фаолиятини яхшиловчи хоссаларга эга. Айтмоқчи, юқорида биз тавсия қилган миқдор кўплик қилса, уни бироз камайтириш ҳам мумкин. Айтайлик, кунига уч маҳал эмас, эрталаб ва кечқурун истеъмол қилса бўлади. Чойга қўшиб ичилса ҳам зарари йўқ. Қизиғи шундаки, лимонўтни ўзига хос мўъжизавий гиёҳ, деса ҳам бўлаверади. Бонси уйқусизликда, ошқозон-ичак фаолияти бузилганда, жигар хасталанганда, ассаббузарлик ҳолларида асқотади.

МАРҒУБА бувн.

КЎЧМАС МУЛК—БУ ЎЛМАС САРМОЯДИР!

УНИНГ СОҲИБИ БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ, НАМАНГАН ВИЛОЯТ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОШҚАРМАСИ 1994 ЙИЛ 30 СЕНТЯБРДА ЧУСТДАГИ МАДАНИЯТ САРОЙИДА СОАТ 13 ДА ЎТКАЗАДИГАН КЎЧМАС МУЛК БЎЙИЧА

«КИМ ОШДИ» САВДОСИГА МАРҲАМАТ!

САВДОГА ҚУЙИДАГИЛАР ҚЎЙИЛАДИ:

«ПОКИЗАХОНА» БИНОСИ

Чортоқ шаҳри марказида жойлашган, 2 қаватли ғиштли бино. 1992 йилда ишга туширилган. Соатига 50 кишига хизмат кўрсатади. 1 та сартарошхона, кир ювиш цехи ва ҳар хил мақсадда фойдаланиш учун 2 қаватли маиший хизмат уйи мавжуд. Алоҳида қозонхонаси бўлиб, табиий газ ва шаҳар водопровод тармоғига уланган. Ишловчилар сони — 11 та. Бинонинг жойлашган ўрни — 15 сотих. Фойдаланиш майдони — 35 сотих.

Дастлабки баҳоси — 300 минг сўм.

ҲАММОМ

А. Навоий номли жамоа хўжалигининг Фозилов номли кўчасида жойлашган бир қаватли, ғиштли бино, 1987 йилда қуриб битказилган, 8 та алоҳида ва 2 та умумий хонаси бор. Шунингдек, турли мақсадда фойдаланиш учун хоналар ва ташқари ҳовлисида чиқинди сувлар учун мўлжалланган ҳовуз мавжуд. Табиий газ тармоғи бино яқинидан ўтган, лекин уланмаган. Ишчилар сони — 3 та.

Дастлабки баҳоси — 45 минг сўм.

ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН «САВДО МАРКАЗИ»

Чортоқ туман матлубот савдо ишлаб чиқариш жамиятига қарашли «Савдо маркази» қурилиши 1992 йилда бошланган, ҳозиргача бир қаватли, ертўлали, пишиқ ғиштдан қурилаётган бино. Янгиқўрғон — Чортоқ йўл бўйида жойлашган. Бинонинг ўрни — 144 кв. м. Бинонинг орқа томонида қоровулхона бор. Водопровод ва табиий газ тармоғи келтирилмаган.

Дастлабки баҳоси — 55 минг сўм.

ОТАЛАР ЧОЙХОНАСИ

Учқўрғон туман Кугай қишлоғи марказида жойлашган 2 қаватли ғиштли бино. 1991 йилда ишга туширилган. Бинонинг 1-қавати 5 та хонадан ва битта залдан иборат. 2-қаватида эса 2 та зал ва 2 та хона мавжуд. Шунингдек 2-қаватда 1 та кичик хоналик меҳмонхона ҳам бор. Бинонинг жойлашган ўрни — 322, 5 кв. м. Умумий майдони эса — 2464 кв. м. Ёғоч ўймакорлик миллий услубда безатилган.

Дастлабки баҳоси — 45 минг сўм.

ОТАЛАР ЧОЙХОНАСИ

Учқўрғон тумани Қўчқор ота жамоа хўжалиги ҳисобидаги Учқўрғон шаҳар Ибн Сино кўчасида жойлашган. 1991 йилда қурилган. 1 қаватли, пишиқ ғиштли. Бинонинг ўрни — 135 км. м. Умумий майдони — 192 кв. м. Ишчилар сони — 1 та. Чойхонанинг ишлаши учун барча шароитлар бор. Лекин ҳозирги кунда ишламаяпти. Бинонинг устунлари ўймакорлик ишлари билан безатилган. Табиий газ ва ичимлик сув тармоғи келтирилган, лекин уланмаган.

Дастлабки баҳоси — 20 минг сўм.

АРАЛАШ МОЛЛАР ДЎКОНИ

Чуст тумани Варзик қишлоғида жойлашган, 1965 йилда қурилган, 1 қаватли хом ғиштли, усти шифер билан ёпилган. 3 та хонадан иборат, шундан 2 таси омборхона. Дўконда 3 киши хизмат қилади. Умумий майдони — 80 кв. м., бинонинг ўрни — 60 кв. м. Тоза ичимлик суви тармоғи келтирилган, лекин уланмаган.

Дастлабки баҳоси — 10 минг сўм.

43-СОНЛИ ХЎЖАЛИК МОЛЛАРИ ДЎКОНИ

Чуст шаҳар Чармигарон кўчасида жойлашган. 1 қаватли, 7 хонали, хом ғиштли бино. Томи шифер билан ёпилган. Дўконда 4 киши ишлайди. Умумий майдони — 550 кв. м. Фойдали майдони — 346 кв. м. Савдо зали — 204 кв. м. ташкил қилади.

Дастлабки баҳоси — 10 минг сўм.

ЧОЙХОНА БИНОСИ

Чуст шаҳар умумий овқатланиш ҳиссадорлик жамиятига қарашли қурилиши тугалланмаган ушбу бино Шомансуров кўчасида музей орқасида жойлашган. 4 хонали, пишиқ ғиштли, 1 қаватли бино. Усти шифер билан ёпилган. Табиий газ тармоғи бино яқинидан ўтган.

Дастлабки баҳоси — 10 минг сўм.

«ВОСТОК» НОМЛИ ДЎКОН

Поп тумани марказидан 30 км. узоқликдаги Чоркесар посёлкасида жойлашган. 1 қаватли, девори пишиқ ғиштли, ичимлик сувига уланган. Тайёр маҳсулотлар сақлаш учун ертўлада жиҳозланган омборхона мавжуд. Ҳозирги кунда аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Дастлабки баҳоси — 15 минг сўм.

ҲАММОМ

Жумашуй шаҳарчасининг Момохон кўчасида жойлашган. Бино 1 қаватли, ғиштли, томи шифер билан ёпилган. 1975 йилда қурилган. Ишловчилар сони — 4 та. 2 та умумий ва 4 алоҳида ювиниш хонаси, аёллар сартарошхонаси ва бошқа мақсадларда фойдаланиш учун хоналар бор. Табиий газ тармоғи бино яқинидан ўтган, лекин уланмаган. Бинонинг орқа томонида иситиш учун 2 қаватли бино ва кичик омборхоналар мавжуд. Ҳаммом ихтиёрида сауна ҳам бор. Умумий майдони 5000 кв. м., бинонинг ўрни — 720 кв. м., саунанинг ўрни — 420 кв. м. Иситиш биносининг майдони — 288 кв. м.

Дастлабки баҳоси — 60 минг сўм.

1-СОНЛИ ДЎКОН

Наманган шаҳар Марғилон кўчасида, Марказий универмагнинг орқа томонида жойлашган. 1 хонали, томи шиферли. Бинонинг ўрни — 40,8 кв. м. Ишчилар сони — 2 та.

Дастлабки баҳоси — 10 минг сўм.

10-СОНЛИ ОЗИҚ-ОВҚАТ ДЎКОНИ

Наманган шаҳар 2-Ахсикент Шерозий кўчасида жойлашган. 1 қаватли, пишиқ ғиштли, томи шифер билан ёпилган. Бинонинг ўрни — 40 кв. м. Умумий майдони — 100 кв. м. Ишчилар сони — 5 та. 1992 йилда фойдаланишга топширилган. Бино ичидаги воситалар сотилмайди.

Дастлабки баҳоси — 10 минг сўм.

12-СОНЛИ АРАЛАШ МОЛЛАР ДЎКОНИ

Наманган шаҳар Отамирзаев кўчасида жойлашган. 1 қаватли, пишиқ ғиштли, томи шифер билан ёпилган. 2 та хонадан иборат. Бинонинг ўрни — 85 кв. м. Савдо зали — 63 кв. м. Умумий майдони — 105 кв. м. Ишчилар сони — 1 та. 1991 йилда қурилган ва ишга туширилган.

Дастлабки баҳоси — 8 минг сўм.

МЕВА-САБЗАВОТ ДЎКОНИ

Ҳаққулобод шаҳри марказининг Беруний кўчасида жойлашган, 1979 йилда қурилган. 1 қаватли, хом ғиштли, тахта полли, усти шифер билан ёпилган. 4 хонадан иборат. Бинонинг ўрни — 95 кв. м. Ишловчилар сони — 1 та. Ҳозирги кунда ишламайди.

Дастлабки баҳоси — 2 минг сўм.

МАЪЛУМОТЛАР ОЛИШ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:

Наманганда: (36922) 6-22-65, 6-36-38.
Чустда: (36942) 3-39-42, 3-37-82.
Тошкентда: (3712) 68-17-55, 68-44-56.

• *Сиз севган санъаткор*

Насиба АБДУЛЛАЕВА:

«ҚЎШИҚ БИЛАН ТУҒИЛГАН ЭКАНМАН»

— Насибахон, эстрада жамоаларида созандалар кўпайиб кетмадимикин? Айниқса, тўйларга келишса, асбоб-ускуналари бир мошинга сиғмайди...

— Йўқ, кўп эмас. Менга қолса ҳар бир ўзбек чолғусини эстрадага мослаштирган бўлардим. Бу билан ҳар бири алоҳида оламга, мазмунга эга бўлган миллий созлар билан қўшиқ айтишни рад қилмоқчи эмасман. Классик қўшиқларнинг ўз йўли бор. Ахир мақомчилар ансамблида ҳам 10—15 тагача созанда бўлади, тўғри эмасми?

— Сиз Самарқандда эстрада қўшиқчилигининг ўзига хос мактабини яратдингиз. Афтидан, классик санъатни ҳам яхши биладиганга ўхшайсиз. Бундан ташқари репертуарингизнинг ярмидан кўпини халқ қўшиқлари ташкил этади. Бунинг сабаби нимада?

— Авваламбор, Ботир Зокиров ва «Ялла» жамоасини ўзимнинг устозларим деб биламан. Улардаги халқчиллик қалбимни ром этган. Иккинчиси, дадам ва раҳматлик Ҳожи амакимнинг хизматлари. Улар халқ ашулаларини маромига етказиб айтишарди. Ўша оҳанглар, туйғулар, сўзлар вужудимга қондек сингиб кетган.

Назаримда, айрим ҳамкасбларим одамларда эстрада ҳақида нотўғри тасаввур пайдо қилишяпти. Мен устоз кўрмаган шогирдларни, пул кетидан қувадиган отарчиларни назарда тутяпман...

— Вилоятдаги деярли барча тадбирларда иштирок этасиз. Бирор нарса тўлашадими?

— Буни ҳаёлимга ҳам келтирмайман. Бундан ташқари, болалар уйлари ва шифохоналарда ҳам концерт бериб тураман. Тошкентга чақириб туришади.

— Унда даромадларингиз нимадан бўляпти?

— Шартнома асосида жойларда концерт қўямиз. Бошқа вилоятларга таклифлар кўп. Қишлоқларга борамиз. «Самарқанд» ансамблимиз хўжалик ҳисобида ишлайди.

— Тушумларнинг миқдори яхши бўлса керак-а?

— Буни турмуш ўртоғимдан сўраганингиз маъқул. Чунки у жамоамиз раҳбари, оилада хўжайин. Умуман, аёл кишининг пул масаласига аралашишини ёмон кўраман.

— Бастакорлар сизни жуда қайсар хонанда дейишади. Нега?

— Биласизми, қўшиқ бастакор, хонанда ва шоир ҳамкорлигида яратиладиган нарса. Учаласи ҳам асарнинг тақдири учун бирдек жон куйдириши керак. Айрим артистлар композиторнинг обрўсига қараб берган қўшиқни айтишаверади. Мен бастакорлар билан уларнинг асарларидан танлаб олишга келишганман. Орамизда ортиқча гап бўлмайди. Масалан, ўтган йилнинг охирида Алишер Расулов ўнта қўшиқ берди. Мен уларнинг биттасини — София Дилхун шеъри билан айтиладиган «Жоним менинг» қўшиғини танладим. Уларни танлаш ҳам осонмас. Хиргойи қиламан. Магнитофонга ёзиб эшитаман. Турмуш ўртоғимдан, созандалардан маслаҳат сўрайман.

— Сизнинг ашулаларингиз ичида бирорта мавсумийси йўқ. Ваҳолонки, кўплаб ҳамкасбларингиз фақат байрам, саналар учун ҳам алоҳида қўшиқ айтишади. Сизчи?

— Юракдан чиққан қўшиқнинг мавсуми бўлмайди. Уни қишда ҳам, ёзда ҳам, тонгда ҳам, кечда ҳам бирдек тинглашади. Очиғини айтсам, қалбим туйғуга, мусиқага тўлган кун мен учун байрам.

Айтгандай, қийим масаласи эсдан чиқибди. Либос — санъаткор маънавий оламини кўрсатувчи мезон. Шу боис унга алоҳида эътибор бераман. Кийимни ҳамиша қўшиққа мослаб туриш керак. Буни жияним Зебо билан бирга амалга оширамиз.

— Ҳатто соч турмаклашни ҳамми?

— Тўғри айтдингиз, соч турмаклашниям ўзгартириб туриш керак. Қўшиқ фақат овозда эмас, юз кўринишида, кийим-кечакда, ҳаракатларда ҳам акс этиши лозим. Лекин буни ҳамма тушунавермайди. Бир куни сочимни бошқача турмаклаб, янги кийимда саҳнага чиқсам, айримлар «эридан ажралибди, шекилли» деб гап тарқатишипти.

— Умуман, нега санъаткорлар ҳақида миш-мишлар кўп тарқалади?

— Биринчидан, улар кўзга яқин бўлишади. Иккинчидан, ҳасад деган нарса санъаткорларда бошқаларга қараганда кўпроқ. Учинчидан, артистлар ҳақида телевидение, радио, газеталар ўз вақтида маълумот бериб боришмайди. Масалан, баъзилардан Тошкентда уйимиз борлиги ҳақида эшитиб қолдим. Бўлса жон дердимку-я, аммо ғирт ёлғон гап. Иштихондаги тадбирда томошабин аёл билан уришиб қолганим ҳам бўлмаган гап. Аксинча, ҳазил-ҳузул билан у кишининг кўнглини кўтардим. Электр токининг бир фазаси ишламагач, микрофон билан саҳнада озгина гапириб туришга тўғри келди.

Бир пайтлар шунақа кимсалар Юлдуз Усмонова билан ўртамизга совуқлик туширишга ҳаракат қилишди. Ваҳолонки, бизнинг ўртамиздаги муносабат жуда яхши. Умуман, ҳақиқий санъаткор фисқу фасодлардан устун туради.

— Бундай ўйлаб кўрсак, Сиз санъатда юқори унвонга эришгансиз. Бундан кейинги фаолиятингизни қандай тасаввур қиласиз?

— Агар қонида худо берган таланти бўлмаса, мингта унвон берсангиз ҳам қўшиқчини ҳеч ким тингламаслиги мумкин. Лекин эътибор, кўнгил сўраш бизда катта аҳамиятга эга. Ниятларим катта. Насиб этса, ўз студиямизга эга бўламиз. Ёш талантлар учун мактаб очамиз. Онамнинг айтишича, мен қўшиқ билан туғилган эканман. Қўшиқ билан туғилган одам қўшиқсиз яшай олмайди...

Фармон ТОШЕВ суҳбатлашди.

ГУЛДАЙ УМР ЮГУРГИЛАБ БОРОДУР-ЕЙ

Аёлнинг жони қирқта бўлади, дейишади. Бу кўпми ё озми, билмадигу, лекин Гулчеҳранинг жони... беҳисоб экан. Чунки у осмондай кенг юрагига қувончларни ҳам, кутилмаганда келган азобларни ҳам сиғдирди. Бугун эса... ўткинчи дардни енгиб, дардли шеърлар битиб, сизу-бизнинг кўнглимизга йўллаётир.



КЎНГЛИМ

Ҳар кунимга ярайдиган,
Ҳолинг на деб сўрайдиган
Йўл кўрсатиб тергайдиган
Дўст топмадим сендан бўлак.

Жаннатмакон Отаммисан,
Оқ сут берган Онаммисан,
Ичдан тушган боламмисан,
Дўст топмадим сендан бўлак.

Суйдирсалар суйганим бор,
Куйдирсалар куйганим бор,
Бўлганимда афтодаҳол,
Дўст топмадим сендан бўлак.

Бир қарасам чўғсан, кулсан,
Гоҳида қил, гоҳи филсан,
Узинг шоҳсан, ўзинг қулсан,
Дўст топмадим сендан бўлак.

Ер ўзингсан, осмон ўзинг,
Осмонлардан ҳайрон ўзинг,
Ёзсам минг бир достон ўзинг,
Дўст топмадим сендан бўлак.

Гуллигинг бор, тошлигинг бор,
Музлигинг, қуёшлигинг бор,
Ёш ўтса ҳам ёшлигинг бор,
Дўст топмадим сендан бўлак.

Жонимиз бир, оримиз бир,
Зўримиз йўқ, зоримиз бир,
Улар бўлсак гўримиз бир,
Дўст топмадим сендан бўлак.

* * *

Усма бўлай, сурма бўлай қошларингиз қаросига,
Қурбониман кўзингизнинг минг ишва, минг балосига.
Девоналиг даъво қилур девонавор кўнглим мани,
Сахродаги Мажнун каби етолмайин Лайлосига.
Узгаларга сирли имо, сирли ишоралар қилур,
Кулиб-кулиб тузлар сепар хаста юрак яросига.
Боғимизда мангу баҳор, аста боқиб ўтса нигор,
Кўз учида, кўз қирида ошиқи мубталосига.
Гулчеҳра, бил, гулдай умр югургилаб бородур-ей,
Қиёматлиг ошно бўлиб ёрнинг макр-ҳийлосига.

КАСАЛХОНАДА ЁЗИЛГАН ШЕЪР

Тиббиёт фанлари номзоди Жамолиддин НАЖМИДДИНОВга.

Андак чўрткесарроқ, ўта ғайратли,
Тоғларга талпинган бургут келбатли,
Олтинданмас, олқишлардан давлатли,
Менинг Жамбул эллик Жамолиддин укам.

Опажоним дейди беморларини,
Акажоним дейди беморларини,
Улардан аямас имконларини,
Менинг Жамбул эллик Жамолиддин укам.

Сўзидан, йўлидан қайтмагай бешак,
Борни бор, йўқни йўқ қилгувчи элак,
Гарчи ёшдир, шогирдлари бир этак,
Менинг Жамбул эллик Жамолиддин укам.

Қанийди, мириқиб шахмат сурса бир,
Кетса ташвишлардан холи қайгадир,
Ишлаб ўтирганга бўш вақт қайдадир,
Менинг Жамбул эллик Жамолиддин укам.

Гоҳо мультфильмлар кўргиси келар,
Лой тепиб деворлар ургиси келар,
Ёмғирда ялангоёқ юргиси келар,
Менинг Жамбул эллик Жамолиддин укам.

Юраги шабнамда ювилган гулдир,
Барчага баробар кичиккўнгилдир,
Тортар юки оғир, қўли енгилдир,
Менинг Жамбул эллик Жамолиддин укам.

Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА

• *Спорт*

ЖАНГОВАР ДУРАНГ

● **Ўзбекистон икки бор чемпиони, мамлакат кубоги соҳиби Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси футболчилари мухлисларни яна мамнун этдилар.**

Осиё кубок эгалари кубоги учун курашни муваффақиятли давом эттираётган футболчиларимиз Эрон сафарида мавқеларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилишди. Бу ерда «Сайпа» футболчилари билан ўтказилган учрашув муросасиз баҳсга айланди. Теҳрондаги йирик ўйингоҳлардан бирида уюштирилган ўйин 2:2 ҳисобида якунланди. Шундай қилиб, футболчиларимиз такрорий ўйин олдидан совринга муносиб даъвогар эканликларини кўрсатиб қўйдилар.

КЕЧИКТИРИЛГАН ЎЙИНЛАР

● **Ўзбекистон миллий чемпионати жамоалари ўртасида кечиктирилган ўйинлар бўлиб ўтди.**

«Политотдел» майдонида пахтакорчилар меҳмон бўлишди. Дарвозалар даҳлсиз қолган бу ўйинда ҳар иккала жамоа ҳисобига биттадан очко ёзилди. «Янгиер» ва МХСК футболчилари ҳам биттадан очколик бўлишди. Ўйин 1:1 ҳисобида тугади. «Нурафшон» эса «Орол» футболчиларини қабул қилиб, 7:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Эртага бошланадиган навбатдаги тур ўйинлари олдидан «Нефтчи» 34 очко билан пешқадамлик қилмоқда. «Нурафшон» очколари 30 тага етди.

ТАЛАБАЛАР УНИВЕРСИАДАСИ

● **Самарқандда талаба ёшлар республика универсиадаси ўтказилди.**

Спортнинг волейбол, енгил атлетика, мини футбол, кураш каби турлари бўйича баҳслашган талабалар орасида фарғоналиклар ғалаба қозонишди. Сирдарё ва Самарқанд жамоалари иккинчи ва учинчи ўринларни олишди. Энди ёшларимиз келаси йили Японияда ўтказиладиган жаҳон универсиадасига тайёргарлик кўрадилар.

ОСИЁ ЎЙИНЛАРИГА ҲОЗИРЛАНИБ

● **Алмати шаҳрида велопойга бўйича ўтказилган халқаро мусобақада юздан ортиқ спортчи иштирок этди.**

Осиё ўйинларига тайёргарлик кўраётган пойгачиларимиз муваффақиятли иштирок этишди. 130 ва 122 километрга уюштирилган гуруҳ пойгасида армиячи Сергей Арков маррада биринчи бўлди. 108 километрли пойгада Қаҳрамон Мўминов учинчи ўринни олди.

Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан

ТИНЧЛИГИНГ—ҲУРЛИГИНГ

Жамол ота Миразимов асли тошкентлик. 1939 йилда чўл ерларни ўзлаштириш ҳаракатига қўшилиб Сирдарёга келди. Орадан кўп ўтмай Иккинчи жаҳон уруши бошланиб қолди. Ж. Миразимов фашизмга қарши курашнинг олдинги сафларида бўлди. Сталинградни озод қилишдаги қақшатқич жанглардан бирида қаттиқ яраланди. 1943 йилда қишлоғига қайтди, ўша жангда у бир қўлидан айрилганди.

Ҳаётнинг аччиқ-чучуги деган ибора асли Жамол отага ўхшаганлар учун ярашади. Тўрт мучаси соғ, тоғни талқон қиларга чоғланган йигитларнинг юриш-турмуши билан отаҳоннинг ҳаётида кечган заҳматли кунларини солиштириш ҳам гуноҳдек туюлади, кишига. Байрамларда киядиган (аниқроғи, кияман деб қўйган) пиджаги кўксида орден ва медаллар қат-қат. Жамол отани Сирдарё туманидаги Й. Охунбобоев номидаги жамоа хўжалигидагиларнинг кўпи «раис бобо» деб ҳурматлайди. Ва ногаҳон кўксидаги нишонларнинг бир нечтаси урушда орттирилгани, қолганлари кейинги, заҳматли йиллар самараси эканига амин бўласиз. Колхозда раислик, сўнг бригадирлик қилган отахон.

Бундай одамлар орамизда кўп эмас. Улардан ибрат, намуна олиб қолиш бахтимиз. Аммо камсуқумликми, камтарликми — уларни тортиб туради. Саволингизга лўнда, ҳам қисқа жавоб оласиз. Фалон жангда бундай урушгандик, яна бундоқ қилиб юборгандик деган гаплар йўқ. Фақат: «У қиларни қўйинг, болам. Мана, бугунги тинчлигимиз — ҳурлигимиз, яхшиси, шундан гапиринг», дейди. Дарвоқе, отахон етмиш иккини қоралаган бўлса ҳам тиниб-тинчимайди. Қарийб 50 сотих ерга карам эккан. Очиғи, биз бунга дастлаб ишонмагандик. Аммо кейин шунча жойга мана-ман деган азамат деҳқондан ўтказиб қараб келаётган отахонга қойил қолдик, ҳавас ҳам қилдик — меҳнаткашлиги, ҳафсалалилигига. Бўлмаса икки ўғли хоҳлаб отани уринтириб қўярмиди, дейсиз. Қолаверса, тўрт фарзандан қирқдан ортиқ набира, яна тўрт чеваранинг суйгани шу ота билан бувви-ку.

Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан Жамол ота Миразимовдай инсон билан учрашиб, икки оғиз суҳбатини олганимиз катта бир савобдай туюлди. У гапирмади, аммо юз-кўзидан уқдик. Сиз ҳам у билан бир «сўзлашинг»-чи...

Суратда: Жамол ота ва Маҳсума она набираси билан.

Н. АЛМУРОДОВ.
Ҳ. ЭРМАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

• *Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир*

«ШЕФ»НИНГ ҚЎЛИ ҚОН

Бойбўта ҳамтовоғи Неъмат билан қишлоқ дўкони ёнида оз-оздан ола бошладилар. Сарҳушлик аста-аста кайфга айланди. Бойбўта мувозанатни йўқотиб, у ёқдан—бу ёққа чайқала бошлади. Неъмат ҳам ундан қолишмасди.

У шишадаги сўнгги ароқни пиёлага қўяркан: «Буни эркак ичади»,— дея уни ҳамроҳига узатди. Бойбўта ароқни ютдида пиёлани ерга ирғитди.

Шу пайт йўлдан «Жигули» автомашинаси ўта бошлади. Унга кўзи тушган Бойбўта қўли билан тўхтат, ишорасини қилди. Шофёр унинг мастлигини пайқаб эътибор бермади. Машина ичида аёллар бор эди. Бойбўта тутоқди. Ва қўлини бигиз қилиб ғудранди.

— Не-м-мат! Танидингми ановини?— ўзини йиғиштириб бақирди Бойбўта.—Хун олишимиз керак!

Улар тўғри Жонузоқ Бобоёровнинг ҳовлисига йўл олишди. Жонузоқ Қарши шаҳридан ҳозиргина келган, чойхўрлик қилишарди. Жонузоқ уларнинг авзойини кўриб ўрнидан турди. Овозини мулойим қилиб: «Келинг, Бойбўтажон, келинг», — деди. Неъмат илжайиб унга яқинлашди-да зудлик билан қўлини қайириб, ерга энгаштирди. Бойбўта эса пичоғини қинидан суғуриб, Жонузоқнинг баданига суқиб олди. Жабрдийда жон аччиғида бақиришга тушди. Хотини «вой-вой»лаб қўниқўшнини чақирди. Ёрдамга етиб келган Орзи Бобоёров Бойбўтани ажратиб қўймоқчи бўлганда қутурган қонхўр қариянинг кўксига устма-уст пичоқ урди. Чолнинг оқ яктаги қип-қизил қонга бўялди. Ҳовли ичи қий-чувга тўлди. Жонузоқнинг отаси Орзи бобо чавақланган, қўшниси Зулхумор Авазова ҳам қонхўрнинг пичоғи тиғидан қаттиқ яраланганди...

Шу куни Бойбўта Қўйсинов ва унинг шериги Неъмат Юсупов бир ҳовли одамни қонига белаб, ортга қайтишди. Хайриятки, чавақланганларга қўни-қўшни ёрдам кўрсатишди. Касалхонага элтишди. Жонузоқ Бобоёров ва Зулхумор Авазоваларнинг ҳаёти асраб қолинди. Аммо Орзи бобо қотиллик қурбони бўлди.

Бу воқеа Косон туманидаги «Пистали» жамоа ширкат хўжалигининг Пистали қишлоғида рўй берди.

Яқинда суд ҳукми билан Бойбўта Қўйсинов олий жазога ҳукм қилинди. Н. Юсупов эса 8 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Б. Қўйсинов бегуноҳ кишилар уйига бостириб бориб, зўравонлигини кўрсатиб қўймоқчи эди. Аммо ҳақоратланган ва хўрланганларни ҳимояга олувчи қонун бор. Афсуски, писталиклар бу зўравоннинг қилиғини муқаддам кўра билиб, инсофга чорлашмади. Натижада жиловсиз қолган Бойбўта ўзини ҳар ерга уриб, «шеф» деган лақаб орттирди. Ундан одамлар яширинадиган бўлди. Йўқса, ҳайҳотдай Пистали қишлоғида бирорта кайвони топилмасмиди безорларни йўлдан қайтарадиган!

Ў. ҲАЙДАРОВ,
Қашқадарё вилоят Ички ишлар бошқармаси матбуот гуруҳи катта нозири, милиция катта лейтенанти.

УАБ Трейдинг ЛТД

(Тошкент, Қатортол кўчаси,60, Чилонзор . Телефон: 78-30-33.)

Тошкентдаги омбордан "Поло" ва "Ричмонд" сигареталарини СОТАДИ.

BEST AMERICAN TASTE

KING SIZE
RICHMOND
FILTER
AMERICAN BLEND

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги огоҳлантиради: чекиш соғлиққа зарарлидир!

ҲАЁТ ҚАЕРДАН БОШЛАНАДИ?

— Оиладан-да,— дейишди бараварига Ўрта Чирчиқ туманидаги Охунбобоев номли қишлоқ маданият уйига йиғилганлар.

Ўша куни мазкур ижодий жамоа тайёрлаган «Ҳаёт оиладан бошланади» деб номланган адабий мусиқали кеча Оила йилига бир тўёна бўлди. Қишлоқ оқсоқоллари, нуроний момоларнинг ҳаёт, оила, болалар ҳақидаги дил сўзлари, хотираларидан бошланган мазкур тадбирда маданият уйи ижодкорлари театрлаштирилган саҳналар, дилрабо куй ва қўшиқлар орқали ҳаётнинг боши оила эканлигини саҳнада намоён этдилар.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.

Тошкент чинни буюмлари ишлаб чиқариш корхонаси жамоаси, директор ўринбосари Баширулло Қосимовга падари-бузруквори

Жўра ҚОСИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Ватанни севдик номардлардир!
ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-20-36, 32-54-35.
Иқтисоднёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-55-06.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Оснё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-74-76;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Қаршида — 3-25-79;
Қўмқўрғонда — 52-624;
Самарқандда — 35-22-90;
Урганчда — 6-72-60;
Фарғонада — 6-37-16.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г—1086 т. 72841 нусхада босилди.
Навбатчилар: Ҳ. ИКРОМОВ, М. МИРФАЙЗИЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй. топширилди — 21.00. 1 2 3 4 5 6.